

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

**5320900-«ЕНГИЛ САНОАТ БУЮМЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ИШЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
БАКАЛАВРИАТУРА ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
«ТИКУВ БУЮМЛАРИ МАТЕРИАЛШУНОСЛИГИ» ФАНИДАН**

МЕТОДИК ҚЎЛПАНМА

ТОШКЕНТ-2018

АННОТАЦИЯ

Ушбу методик қўлланма 5320900-«Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси» таълим йўналиши бакалаврлари учун “Тикув буюмлари материалшунослиги” фанидан тузилган бўлиб, унда тикув буюмлари материалшунослиги фанининг ривожланиши ва унинг либослар тайёрлашдаги катта аҳамияти, дастлабки тўқимачилик материалларини ташкил этувчи моддаларнинг кимёвий таркиби, йигириув ва тўқув жараёнлари хақида асосий маълумотлар, газламаларнинг ўрилиш турлари, уларнинг механик ва физик хусусиятлари, трикотаж ва нотўқима матоларини олиш усуллари, тўқилиш турлари, тузилиши ва уларнинг асосий хусусиятлари, тикув буюмларини тайёрлашда қўлланиладиган газламалар ассортименти ва бошқа материаллар турлари хақида тўлик маълумотлар берилган.

«Тикув буюмлари материалшунослиги» фанидан методик қўлланма «Тўқимачилик материалшунослиги» кафедрасининг 201_ йил _____ даги мажлисида (_-сонли баённома) муҳокама этилган.

ТТЕСИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЕНГАШИДА МУҲОКАМА
ҚИЛИНГАН ВА ТАСДИҚЛАНГАН
Баённома «_____» 201__ йил

Муаллифлар:

доц. Б.Б.Ахмедов
кат.ўқит. С.С.Сайдмуратова
асс. З.Ф.Валиева
асс. Т.Э.Туланов
асс.С.У.Патхуллаев

Тақризчилар:

«LATIF-SERS» МЧЖ Директор Муовини
Абдуллаев Ф.А

«Тикув буюмлари конструкцияси ва технологияси»
кафедраси доцент, т.ф.н. М.Бобоҷонова

ТТЕСИ босмахонасида ____ нусхада чоп этилди.

МУНДАРИЖА
Лаборатория ишлар

1-мавзу	Тўқимачилик толаларининг таснифи	4
2-мавзу	Тўқимачилик толаларининг тузилишини микроскоп ёрдамида текшириш	10
3-мавзу	Тўқимачилик толаларини бир-биридан ажратиш	16
4-мавзу	Тўқимачилик ипларининг хусусиятини ўрганиш	17
5-мавзу	Тикувчилик ипларининг хусусиятини ўрганиш	24
6-мавзу	Тикувчилик материалларининг тузулиши ва ўрилишларини ўрганиш	28
7-мавзу	Тикувчилик материалларининг ўлчам, масса ва тузилиш тавсифлари	33
8-мавзу	Газламаларнинг механик хоссалари	36
9-мавзу	Трикотаж матоларнинг тузулиши ва хусусиятларини	39
10-мавзу	Нотўқима матоларнинг тузулиши ва хусусиятларини ўрганиш	46
11-мавзу	Тикувчилик материалларининг физик хоссаларини ўрганиш	49
12-мавзу	Тикувчилик материалларининг эгилишга қаршилиги ва бурмабоп-лигини ўрганиш	54
13-мавзу	Тикувчилик материалларининг ғижимланмаслигини ўрганиш	59
14-мавзу	Тикувчилик материалларининг киришишини ўрганиш	63
15-мавзу	Тикувчилик материалларининг емирилишга чидамлилигини ўрганиш	68
16-мавзу	Пахта толали газламалар ассортиментини ўрганиш	71
17-мавзу	Трикотаж матолари ассортименти билан танишиш	75
18-мавзу	Нотўқима матолари ассортименти билан танишиш Адабиётлар рўйхати	77 80

1-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТҮҚИМАЧИЛИК ТОЛАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Ишнинг мақсади:

Түқимачилик толаларини синфларга ажратиш билан боғлиқ бўлган ҳамма тушунчаларни талабаларга ўргатиш.

Топшириқлар:

1. Түқимачилик толаларни намулари билан танишириш;
2. Түқимачилик толаларини синфларга ажратиш схемасини тузиш;
3. Түқимачилик толаларига оид бўлган таъриф ва атамалар ёзиш;
 - тўқимачилик тола;
 - элементар тола;
 - комплекс тола;
 - табиий тола;
 - кимёвий тола;
 - сунъий тола;
 - синтетик тола.

Тўқимачилик материалшунослиги фани тўқимачилик материалларининг олиниши, тузилиши, хусусиятларини ва сифатини аниқлашни ўргатадиган фандир. Тўқимачилик материалларига тўқимачилик толалари, иплари ва тайёр маҳсулотлар киради. Тўқимачилик материалшунослиги фани учта қисмдан иборат. Биринчи қисмда тўқимачилик толалари ва ипларнинг олиниши, иккинчи қисмда тўқимачилик тола, ипларнинг тузилишини, хусусиятларини аниқлайдиган услублар ва асбоблар берилади.

Учинчи қисмда тайёр маҳсулотларнинг тузилишини, хусусиятларини аниқлайдиган услублар ва асбобларнинг тузилиши берилади.

Биринчи қисмда ишлатиладиган тола, ипларга оид атамаларнинг таърифи стандартга мувофиқ (ГОСТ 13784-70) қуидагича изохланади.

Тўқимачилик толаси деб, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ярайдиган, чегараланган узунликдаги, юмшоқ, ингичка ва мустаҳкам жисмга айтилади.

Элементар тола - узунлиги бўйича бўлинмайдиган якка толага айтилади.


Комплекс(техник) тола - узунлиги бўйича бир қанча элементар толаларнинг бирикишига айтилади.

Табиий толалар - табиатдан (ўсимликлардан, жониворлардан ва маъданлардан) олинган толалар.

Кимёвий толалар - табиий ёки синтетик юқори молекулали моддалардан олинган комплекс ипларни кесиш ёки узиш усули билан ишлаб чиқарилган толага айтилади.

Сунъий тола - табиий юқори молекулали моддалардан олинган кимёвий тола.

Синтетик тола - синтетик юқори молекулали моддалардан олинган кимёвий тола.



Тўқимачилик ипи - тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган мустаҳкам, нисбатан ингичка ва катта узунликдаги жисмга айтилади.

Моно ип - узунлиги бўйича бўлинмайдиган ва бевосита тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган якка ипларга айтилади.

Элементар ип - узунлиги бўйича бўлинмайдиган ва комплекс ипларнинг таркибига кирадиган якка ипларга айтилади.

Комплекс ип - иккита ёки ундан кўп элементар ипларни эшиш билан ёки елимлаб олинган тўда ипга айтилади.

Йигирилган ип - тўқимачилик толаларини эшиш ёки елимлаб олинган ипларга айтилади.

Пишитилган ип - иккита ёки ундан кўп комплекс ипларни қўшимча эшиб олинган ипларга айтилади.

Пишитилган йигирилган ип - иккита ва ундан кўп йигирилган ипларни пишитиб олинганига айтилади.

Кўшилган иплар - иккита ва ундан кўп комплекс ипларни ёки йигирилган ипларни қўшиб пишитилган ҳолатига айтилади.

Табиий ип - табиий толалардан олинган иплар.

Кимёвий ип - табиий ёки синтетик юқори молекулали моддаларни шакллантириш усули билан олинган ипларга айтилади.

Сунъий ип - табиий юқори молекулали моддалардан олинган кимёвий ип.

Синтетик ип - юқори молекулали синтетик моддалардан олинган ип.

Жгут - эшилмаган бир қанча (10.000-20.000) кимёвий элсментар ипларнинг тўдаси. Жгут 32-100 мм узунликда кесилса, штапел тола ҳосил бўлади.

Шаклдор ип - ипнинг устида такрорланувчи маҳаллий ўзгаришларнинг мавжудлиги (тугунчалар, ҳалқалар, йўғонлик ва ҳ.к.)

Чирмовиқли ип - ўзак ипнинг атрофида унинг узунлиги бўйича тола ёки қўшимча ипнинг чирмашидан ҳосил бўлган ип.

Текстурланган ип - кимёвий ипларга қўшимча механик ёки термомеханик ишлов бериб, ипнинг чизиқли шаклини ўзгартириб, катта ҳажмли чўзилувчан

хусусиятга эга бўлган ипларга айтилади.

Бир жинсли йигирилган ип - бир хил толалардан йигирилган ип.

Аралаш йигирилган ип - ҳар хил толалардан йигирилган ип.

Бир жинсли ип - бир жинсли иплардан ташкил топган ип.

ҳар хил жинсли ип - ҳар хил жинсли иплардан ташкил топган ип.

Тилимланган ип - қоғоз, плёнка материалларини юпқа, энсиз, узун қилиб кесиб олинган ип.

1.2. Тўқимачилик толаларининг олиниши

Табиий толалар уч гурухга: ўсимликлардан (пахта, зифир, канопли, каноп, сизаль ва ҳоказо), жониворлардан(жун, ипак), маъданлардан олинувчи(тош пахта) толага бўлинади.

Пахта иссиқ иқлимли жойларда етиштирилади. ғўзанинг асосий қисми чигитни қоплаб турган тола бўлиб, энг муҳим тўқимачилик хом ашёдир. Пахта пишгандан сўнг қўлда ва машинада териб олинади ва уларни дастлабки ишлаш заводларига юборилади. Шу ерда толалар чигитдан ажратилади. Пахта толаси кўпгина ажойиб хоссаларга эга: жуда қайишқоқ илашувчан, ингичка, лекин пишиқ ва чўзишга чидамли, яхши бўялади. Шу хоссалари туфайли пахта толаларидан турли-туман калава иплар олинади ва улардан жуда нафис газламалардан (майя, батст, шифон, ва ҳ.к) тортиб, рўзғорда кенг ишлатилаган матолар (чит, сатин, сурп ва ҳ.к), дағал (паяндозлар, шалчалар) ва техникада кенг ишлатиладиган тўқималар (корд, кирза, белътинг) олинади.

Поя пўстлоғидан олинувчи толалар -ҳар хил ўсимликларнинг пояларида, баргларида бўлади. Тўқимачилик саноатида асосан поя пўстлоғидан олинадиган толалар ишлатилади. Улардан энг муҳими зифир толасидир. Тўқимачилик саноатида ишлатиладиган поя пўстлоғидан олинувчи толалар ичida зифир толаси 95-97 фоизни ташкил қиласди.

Пўстлоғидан олинувчи толалар зифир, каноп ва бошқа ўсимликларнинг поясида даста-даста бўлиб жойлашган бўлади. Толаларни поясидан ажратиб олиш учун ўсимликлар узоқ муддат ҳовузаларда ивитилиши ёки кимёвий моддалар таъсирида ишлов берилиши, сикиш, ювиш, қуритиш, сўнгра эзиш ва титиш керак.

Зигир толаси хоссалари жихатидан пахта толаларидан фарқ қиласы. Улар пишиқ, лекин дағал ва йүғонроқ бўлади. Поя пўстлоғидан олинувчи толалар пахта толаларидан узунроқ, лекин яскаш узунлиги бўйича нотекис бўлади.

Шунинг учун бу толалардан пахта толаларига нисбатан йўғонроқ бўлган йигирилган иплар олинади.

Зигир поясидан йигириб олинган майин иплардан сочиқ, дастурхон, чойшаб ва ёстиқ жилдлари, кўйлакбоп ҳамда техникада ишлатилувчи газламалар ишлаб чиқарилади, дағал иплардан эса қоплар, йўғон арқон ва чилвирлар ишлаб чиқарилади.

Жун - қўй, эчки ва түя терисини қоплаб турган толалар. Жун табиий, заводда олинадиган ва қайта тикланган хилларга бўлинади. Табиий жун бевосита ҳайвонларнинг жунини қирқиши йўли билан, заводда олинадиган жун сўйилган жониворларнинг терисидан шилиб олиш йўли билан, қайта тикланган жун эса қийқимларни қайта ишлаш усули билан олинади.

Жун толалари пахта толаларидан узун, пишиқлиги паст лекин қайишқоқроқ бўлади. Шу сабабли жун газламалар қатор қимматли хоссаларга эга, яъни фижимланиши кам, емирилишга чидамли ва бурамабоплиги яхши.

Жун толаларидан йигирилган иплардан кўйлак, костюм, пальто боп матолар, гилам, ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Ипак- ипак қурти ўраган пиллани чувишдан олинувчи ингичка ип бўлиб, нафис шойи газламалар олишга ишлатилади. Ипак қуртини боқиши, уларни озиқлантириш учун тут дараҳтлари ўстирилади. Бу эса сермеҳнат ва мураккаб ишдир. Шунинг учун табиий ипак тўқимачилик саноатида энг қиймат хом ашё ҳисобланади. Ипакдан чиройли енгил ва техникада ишлатилувчи газламалар ишлаб чиқарилади.

Тош пахта - маъданлардан олинувчи тола бўлиб, баъзан тоғ жинслари ана шу маъдан толадан ташкил топади. Россияда тош пахта, асосан Уралда ишлаб чиқарилади. Унинг узунлиги :6-18 ммни ташкил қиласи. Ундан фақатгина йўғон калава иплар ишлаб чиқарилади. Тош пахтани 10 фоизигача бошқа толаларга аралаштириб йигирилади. Тош пахта ёнмайди, иссиқликни ёмон ўтказади.

Шунинг учун ўта чидамли газламалар тўқишида ва ҳимоя материаллари тайёрлашда ишлатилади.

Кимёвий толалар гурухига сунъий ва синтетик толалар киради.

Сунъий толалар табиий хом ашё-ёғоч целлюлозаси, пахта момифи ва пахта чиқиндиларини ҳамда оқсил моддаларни қайта ишлаб олинади.

Вискоза - целлюлозанинг эфири қсантоғенат целлюлозадан олинади. Толалари бир текис, уларни йигириш осон, яхши бўялади, нархи арzon, лекин ҳўл ҳолатда пишиқлиги 50 фоизга қадар камаяди. Асосан соф ва бошқа толаларга қўшиб ишлатилади.

Ацетат толаси - целлюлозанинг эфири ацетил целлюлозадан олинади. Ацетат толасининг хусусияти вискоза хусусиятига яқин.

Синтетик толалар нефть, тошқўмирни қайта ишлашдан ва табиий газлардан олинган мономерларни синтез қилиб олинади.

Капрон толаси капролактам мономерини синтезлаб олинади. Толаси жуда пишиқ, уни ҳар хил чизиқли зичлиқда ишлаб чиқариш мумкин, ҳўл ҳолатида пишиқлиги деярли ўзгармайди.

Капрондан турли хил кўйлаклар ва техникада ишлатилувчи газламалар, трикотаж матолар ишлаб чиқарилади.

Лавсан толаси - юқори молекулали полиэфирли бирикмалардан олинади. Лавсан тола ва ип қўринишида ишлаб чиқарилади. Бу тола пишиқ, қайишқоқ, эриш ҳарорати юқори. Лавсандан асосан кўйлакбоп, костюмбоп, плашбоп газламалар ишлаб чиқарилади.

Нитрон толаси - полиакрилнитрил юқори молекулали бирикмалардан олинади. Асосан табиий жун толасига аралаштирилган ҳолда ишлатилади. Нитрон ипининг пишиқлиги капрон ва лавсанга қараганда паст, лекин сирти тукли бўлади. Бу эса толанинг ва ундан тўқиладиган газламаларнинг иссиқликни сақлаш қобилиятини оширади. Тоза нитрон или асосан трикотаж маҳсулотини тўқиши учун ишлатилади.

Шишасимонiplар - Шиша шарчаларини эритиб олинади. Улар ҳар хил акустик ва ўтга чидамли техникавий газламалар тўқиши учун ишлатилади.

Калта шиша толалардан шиша-пластик буюмлар, қайиқлар, рўзгор буюмлари изоляция материалларини ишлаб чиқарилади.

2--ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ:

ТҮҚИМАЧИЛИК ТОЛАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИНИ МИКРОСКОП ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ

Ишнинг мақсади:

Микроскоп тузилиши ва унинг ёрдамида тола турларини тадқиқ қилишга ўргатиш.


Топшириқлар:

- 1.Микроскоп тузилиши ва ундан фойдаланиш услуби билан танишиш;
- 2.Микроскоп тузилишини қисқача ёзиш;
- 3.Микроскоп орқали қараб, табиий ва кимёвий толаларнинг кўринишини чизиш;
- 4.Толаларнинг кўндаланг ва бўйлама кўриниши бўйича тузилиши ёзилсин.

Микроскопнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби

Тўқимачилик толаларнинг тузилишини ўрганишда нафақат биологик, балки электрон ва растровый микроскоплар ҳам ишлатилади. хозирги вақтга қадар қўйидаги микроскоплар мавжуддир: Н-9, М-10, МБИ-2, МБИ-4, МБИ-6, МС-51, МБ1 -1, МБ1-3 ва қутбланган микроскопларга МП-2, МП-6 ва бошқалар киради. Кўпинча М-10 ва МБИ микроскоплар қўлланилади.

БМИ-1 ва М-10 микроскоплар қўйидаги тузилишга эгадир; таглик 1, шарнир 2 ёрдамида штатив 3 га боғланган. Объектив 8 револьвер қурилмасига жойланган бўлиб унда учта ёки тўртта уя бўлади, натижада микроскопнинг катталаштириш қийматини хоҳлаган даражада ўзгартириб олишимиз мумкин.



МБУ-1 микроскопининг шакли

1-асос	8-объектив
2-шарнир	9-намуна столчаси
3-штатив	10-препарат юргизгичи
4-кичик мурват	11-кўзгу
5-катта мурват	12-конденсор
6-тубус	13-диафрагма
7-окуляр	

Столчанинг 9 ўртаси айлана шаклдаги тешикдан иборат. Кўзгуга ёруғлик тушириб, шу тешик орқали объективга узатилади. Столчада препарат юргизгич 10 қўйилган бўлиб, унинг асосий вазисфаси намунани ҳаракатга келтиришдир. Стол тагида конденсор 12 билан биргаликда кўзгу 11 ва диафрагма 13 ўрнатилган.

Катта мурват 5 ёрдамида тубус 6 ни пастга ва юқорига юргизишмиз мумкин. Кичик мурват 4 эса намунани тиник кўрсатиш учун хизмат қиласи. Микроскоп шундай ҳолатда стол устига жойлаштирилиши керакки, унда кўзгучага ёруғлик тушадиган бўлсин. М-10 микроскопда ишлаганимизда таглик 3 ёрдамида тубусни ўзимиз учун қулай вазиятга келтириб олишимиз мумкин.

Микроскопнинг кўриш қобилиятини дастлаб кичик катталаштиришга қўйиб оламиз. Окулярга қараб кўзгучани ҳаракатлантириб, ёруғликни тўла тушиши текширилади.

Тайёрланган препарат столчага жойлаштирилади. Тубусни катта мурват ёрдамида пастга ёки юқорига ҳаракатлантириб, намунани аниқ кўринадиган ҳолатга келтирилади. Яхши кўринмайдиган намунани кўриш учун кичик мурватни бураймиз. Микроскопда текширилаётган тола ҳар иккала кўз орқали қаралиши керак.

2.2. Толадан препарат тайёрлаш


Толадан препарат тайёрлаш учун остки на устки ойначани тоза латта ёрдамида артиб, остки ойнана устига сув ёки глицерин томизилади. Томчига кам миқдорда тола жойлаштирилиб, игна ёрдамида уларни бир-биридан ажратамиз. Толалар яхши намланган бўлиши шарт, акс ҳолда толалар ойнага яхши

ёпишмасдан қолиши мумкин. Сўнг устки ойначани беркитиб, тайёр бўлган препаратни микроскоп столчасига жойлаштирамиз.

2.3. Тўқимачилик толаларининг тузилиши

Пахта толасини заррабиндан қаралганда найча кўринишда бўлади. Пишган толаларда найчасининг девори қалинроқ бўлади.

Ўсимликлардан олинувчи толаларнинг тузилиши



Ўта пишган пахта толаси

Пишган пахта толаси

Хом пахта толаси

Каноп, зи²ир комплекс толаси

Бунга сабаб шуки, тола ётилган сари унинг ички деворига протоплазма билан тўлган каналдан янги-янги қатламлар қўшилади ва қатламларни ҳосил қиласидиган целялюзоза молекулалари чўзиқ шаклда жойлашади. Бундай молекулалар гурӯхи толанинг бўйига нисбатан $30 - 40^\circ$ бурчак остида ётадиган бурамларни ҳосил қиласи.

Найча девори қалинлашган сари толанинг пишиқлиги, қайшқоқлиги ошади. Пишганлик даражаси ҳар хил бўлган толаларнинг сиртидаги бурамалари ҳам ҳар хил бўлади.

Пишмаган толаларнинг кўндаланг кесими тасма, ўртача пишганлариники эса ловия, пишган толаларники эллипс ёки баъзида доира кўринишида бўлади.

Зигир - танҳо толаларнинг учи ўткир урчуқсимон кўндаланг кесими нотекис кўп бурчакли бўлади.

Техник толалар - танҳо толаларнинг бирлашган дастасидан иборат бўлиб, улар ўзаро бир-бирига пектин ва лигнин моддалари билан ёпишган бўлади.

Жун - тўрт турга бўлинади: тивит, ўтиш тола, ўзакли тола, ўлик тола.

Тивит - ингичка, буралган толаси икки қатламдан иборат: ташқи тузилиши - тангасимон қатlam, ичкиси эса оқсил кератиндан ташкил топган қобигдан иборат. Кўндаланг кесими доира кўринишида бўлади.

Ўтиш тола - тивитдан йўғонроқ, унинг тузилишида тангасимон ва қобик қатламидан ташқари ўрта қисмида учинчи қувур қатлами ҳам бор. қувур толанинг узунлиги бўйича эмас, балки баъзи бир қисқа жойларда узук-узук холда учраши мумкин.

Ўзак тола - анча йўғонроқ ва дағал бўлади. Бурамлари деярли бўлмайди. ўзак қатламли бутун узунлиги бўйича жойлашади.


Ўлик тола - қалин, дағал, мустаҳкамлиги кам бўлиб, унинг кўндаланг кесим юзи эллипс кўринишида бўлиб, деярли қувурдан иборат.

Ипак - пиллани чувиш натижасида олинадиган ингичка ипdir. Агар пилла ипини микроскоп остида кўрсақ, у иккита танҳо иплардан ташкил топганлиги кўринади. Ипак толаси, бир-бирига яқин жойлашган. Ипак толасининг таркиби фиброн ва ёпишқоқ серицин моддасидан ташкил топган. Кўндаланг кесими иккита учбурчак ҳолатида бўлади.

Жониворлардан олинадиган толаларнинг тузилиши


Жун толаси

Пилла ипи



Кимёвий толаларнинг тузилиши

Сунъий толалар




Вискоза толаси - узунасига бўйлама чизиклари бўлган цилиндр шаклидадир. Кўндаланг кесимининг сирти нотекис қирралардан ташкил топган. Бундай тузилиш вискоза эритмасининг бир вақтда қотмаслигидан ҳосил бўлади.

Ацетат толаси - тузилиши жиҳатидан нисбатан текис бўлиб узунасига битта ёки иккита ботик чизик бўлади.

Бундай тузилиш унинг эритмасидан тола ҳосил қилиш жараёнидаги ацетоннинг парланишдан ҳосил бўлади.

Синтетик толалар



Синтетик тола - күндаланг кесим юзаси ҳар-хил күринишда бўлади. Устки қатлами силлиқ, толанинг күндаланг тузилиши ҳар хил күринишда бўлади (айлана, эллипс, нотўғри геометрик шакл).

3--ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

ТҮҚИМАЧИЛИК ТОЛАЛАРИНИ БИР-БИРИДАН АЖРАТИШ

Ишнинг мақсади:

Түқимачилик толаларининг аланга таъсирида бир-биридан фарқланишини ўргатиш.

Топшириқлар:

1. Оранолептик усул –толаларнинг ташқи кўриниши ва ёндириш усули билан аниқлаш.

2. Микроскопик усул ёрдамида ўрганиш.

3. Кимёвий усул ёрдамида ўрганиш.

Т/р	Толаларнинг номи	Толаларнинг ҳолати			Ҳиди	Қолдиғи (кули)
		Алангага кирганда	Аланга ичида	Алангадан олганда		
1.	Пахта, зигир, вискоза, мис-аммиак	Тез ёнади	Ёруғ аланга ҳосил қилиб ёнади	Ёнишни давом еттиради	Ёнган қоғоз-нинг ҳиди	Енгил, кумуш рангли
2.	Жун, ипак	Алангандан қочиб жизғанак ҳосил қиласи	Ёруғ аланга ҳосил қилиб жизғанак бўлиб ёнади	Ёнишни секинлик билан тўхтатади	Ёнган сочининг ҳиди	Бармоқ билан езилганда кора шарча
3.	Асетат	Ерийди	Ёруғ аланга ҳосил қилиб ёнади	Ёнишни давом еттиради	Сирка ҳиди	Кора қатик шарча
4.	Казеин	Тез ёнади	Ёруғ аланга ҳосил қилиб ёнади	Ёнишни давом еттиради	Куйган сутнинг ҳиди	Бармоқ билан езилганда кора шарча
5.	Капрон, лавсан	Ерийди	Кичик аланга ва кора тутун билан ёнади	Ёнишни давом еттиради	Сургуч ҳиди	Иссик пайтда-еритма, совуганд қаттиқ шарча
6.	Нитрон	Ерийди	Тез аланга ва кора тутун билан ёнади	Ёнишни давом еттиради	Спесифик	Бармоқ билан езилганда кора шарча
7.	Хлорин	Ерийди	Ҳаво рангли аланга ва кора тутун билан ёнади	Ёнишни бир зумда тўхтатади	Хлор ҳиди	Кора қаттиқ шарча

4-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

ТҮҚИМАЧИЛИК ИПЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Ипларнинг таснифи ва турларини ўрганиш. Пахта толасидан олинган ипларнинг хусусиятлари (чизиқий зичлиги, мустаҳкамлиги, узайиши, эшилиши, нуқсонлари)ни замонавий усулларда аниқлаш.

Топшириқлар:

1.Кўйида келтирилган ибораларнинг таъриф ва қоидалари ўрганилиб ёзилсин:

- йигирилган ип;
- ипларнинг турлари;
- ипларнинг чизиқий зичлиги;
- ипларнинг мустаҳкамлиги;
- ипларнинг солиштирма узилиш кучи;
- ипларнинг узилишдаги узайиши;
- ипларнинг намлиги;
- ипларнинг эшилиши;
- ипларнинг нотекислиги;
- ипларнинг нуқсонлари.

2.Олинган ип намуналарининг хусусиятлари (чизиқий зичлиги, мустаҳкамлиги, узайиши, эшилиши, нуқсонлари) аниқлансин, натижалари тегишли стандарт меъёрлари билан таққослансан ва олинган синов натижалари жадвалда мужассасмлаштирилсин.

3.Бажарилган ишлар юзасидан тегишли хulosалар ёзилсин.

Ипларнинг чизиқий зичлиги

Ипнинг чизиқий зичлиги ёки йўғонлиги «текс» бирлигига 1000 метр ипнинг граммда ўлчанадиган массаси билан аниқланади.

$$T = \frac{m}{\ell} \quad (\text{текс})$$

бу эрда: м-ип намунасининг массаси, г;

л-ип намунасининг узунлиги, км.

Ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича қўйидаги тушунчалар ишлатилади:

- 1.Номинал чизиқий зичлик.
- 2.Ҳақиқий чизиқий зичлик.
- 3.Кондицион чизиқий зичлик.

Номинал чизиқий зичлик-ишлаб чиқариш учун берилган топшириқ бўлиб, йўғонлилик $\langle T_h \rangle$ билан белгиланади.

Ҳақиқий чизиқий зичлик-синаш йўли билан аниқланиб, формула ёрдамида билан ҳисобланади.

Кондицион чизиқий зичлик ипларнинг намлигини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги формула билан аниқланади.

$$T_k = \frac{T_x(100 + W_k)}{(100 + W_x)}$$

бу эрда: T_x - ҳақиқий чизиқий зичлик синов йўли билан аниқланади;

W_k -кондицион намлик, ип турига нисбатан справочникдан олинади;

W_x -ҳақиқий намлик (фоизда), синаш йўли билан аниқланиб, айрим иплар учун проф. Мюллер формуласи билан аниқланади.

$$W_x = (\alpha + \beta\varphi)^4 \sqrt{100 - t_k}$$

бу эрда: α, β -коэффициентлар бўлиб, ип турига боғлиқ. Масалан, пахта ипи учун $\alpha = 0,807$, $\beta = 0,029$; жун учун $\alpha = 2,8$, $\beta = 0,029$; зифир учун $\alpha = 1,23$, $\beta = 0,031$ га тенг; t, φ -лаборатория хонасидаги психрометр кўрсаткичи.

Бу формуладан фойдаланиш учун ип намунаси лабораториядаги t, φ кўрсаткичидаги 20-24 соат туриши керак, яъни иплардаги намлик атроф-мухит кўрсаткичи билан мувозанат ҳолатга келиш керак.

Одатда номинал ва кондицион чизиқий зичликлар орасида фарқ бўлади. Бу фарқ қўйидаги ифода билан аниқланади.

$$\Delta_T = \frac{(T_k - T_H)100}{T_H} \quad \text{ёки} \quad \Delta_T = \frac{(T_{yk} - T_{yH})100}{T_{yH}}$$

Кондицион намлиги 2 фоиздан кам бўлган айрим синтетик ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича фарқини қўйидаги ифода билан ҳисобласа бўлади.

$$\Delta_T = \frac{(T_x - T_H)100}{T_H} \quad \text{ёки} \quad \Delta_T = \frac{(T_{yx} - T_{yH})100}{T_{yH}}$$

Ипларнинг чизиқий зичлик бўйича квадратик нотекислиги C (фоизда) қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$C = \frac{\sigma \cdot 100}{M_{yp}}$$

бу эрда: σ -ўртacha квадратик оғиш; M_{yp} -ўрта арифметик миқдор.

Ўрта арифметик миқдор (M_{yp}) қуидаги формула билан аниқланади.

$$M_{yp} = \frac{\sum M}{n}$$

бу эрда: $\sum M$ -дастлабки синов натижаларининг йиғиндиси; n - синовлар сони.

Ўртacha квадратик оғиш миқдори (σ) қуидаги формула билан аниқланади.

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (M_i - M_{yp})^2}{n-1}}$$

Агар синовлар сони 30 дан кўп бўлса, йиғма кўрсаткичларни (M_{yp}, σ, C) қўшиш ёки кўпайтириш усули билан аниқлаш тавсия этилади.

Ипларнинг узиш қучини аниқлаш. Ипларнинг узиш кучи деб уларнинг узилишга қадар қўтарган юк миқдорига айтилади. Узиш юки ипларнинг мутлоқ мустаҳкамлигини билдиради. Мутлоқ мустаҳкамлик « P_m » ҳарфи билан белгиланади. Бирлиги Ньютон-Н, сантиНьютон-сН, килоНьютон-кН, милли Ньютон-мН.

Хар хил йўғонликдаги ипларнинг мустаҳкамлиги бир-бири билан нисбий мустаҳкамлик P_H (сН/текс) орқали таҳлил қилинади.

$$P_H = \frac{P_m}{T}$$


Ипларнинг мустаҳкамлигини аниқлашда улар чўзилади. Чўзилиш ипларнинг юмшоқлигини, майнлигини билдиради. Ипларнинг чўзилувчанлиги мутлоқ ва нисбий кўрсаткич орқали ифодаланилади.

Мутлоқ чўзилиш $L_M = L_1 - L_0$ - мм да;

$$\text{Нисбий чўзилиш } \varepsilon_H = \frac{L_1 - L_0}{L_0} \cdot 100 = \frac{\ell_M}{L_0} \cdot 100, \text{ (фоиз)}$$

Ипларнинг чўзилиши узиш машинасидан олинади. Ипларнинг мустаҳкамлиги ва чўзилиши ҳар хил турдаги узиш машиналарида, яъни динамометрларда аниқланади.

Тўқимачилик саноатида ва илмий текшириш институтларида РМ-3-1 ва РМ-30 узиш машиналаридан фойдаланилади (9-расм).



9-расм. Узиш машинасининг шакли.

Ипларни узишдан олдин улар климатик камераларда 24 соат давомида сақланиши шарт.

Синов лабораторияларида ипларни узишдан олдин меъёрий шароит ($T = 20 \pm 2^{\circ}\text{C}$, $\varphi = 65 \pm 2$ фоиз) яратилиши лозим. Чунки, ипларнинг мустаҳкамлиги, чўзилиши атроф-муҳит кўрсаткичларига боғлиқ.

Узиш машинасида икки қисқичлар орасидаги масофа 500 ± 1 мм олинади. Агар ипларнинг чўзилиши 40 фоиздан катта бўлса, қисқичлар орасидаги масофа 200 ± 1 мм олиниши мумкин. Ҳамма йигирилган иплар учун узиш муддати 10 ± 1 с.

Кимёвий ва табиий иплар учун 20 ± 2 с. Ипларни синашдан олдин ғалтакнинг устки қатламидан 1-10 м ипни олиб ташлаш керак. Узиш вақтида ипларнинг узиладиган қисмига, яъни қисқичлар орасидаги узунлигига қўл тегизиш керак эмас ва ипни тескарисига эшилишига йўл қўймаслик шарт.

Ипларни узишда аввал динамометрнинг юқори қисқичига маҳкамланади, кейин пастки қисқичга таранглик юқ берувчи мосламаси орқали ўтказилиб пастки

қисқичга маҳкамланади.

Ипнинг ўртача мутлоқ мутаҳкамлиги P_{yp} (сН) қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$P_{yp} = \frac{\sum P_i}{n}.$$

Нисбий мустаҳкамлик P_H (сН/текс), қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$P_H = \frac{P_{yp}}{T}.$$

Ипнинг мустаҳкамлиги бўйича ўрта квадратик оғиш миқдори аниқланади.

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (P_i - P_{yp})^2}{n-1}}.$$

Ипнинг мустаҳкамлиги бўйича квадратик нотекислиги қуидагича аниқланади.


$$C = \frac{\sigma}{P_{yp}} \cdot 100.$$

Ипнинг сифат кўрсаткичи қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$C.K. = \frac{P_H}{C_p}.$$

Сифат кўрсаткич миқдори бўйича стандартлардан фойдаланиб ипнинг нави аниқланади.

Хом ипнинг эшилишини аниқлаш. Хом ипнинг эшилиши КУ-500 бурам ўлчагичда аниқланади. Бунинг учун икки ёқлама айлантириш усули қўлланилади. Бу усулда икки қисқичлар орасидаги масофа-250 мм бўлади (10- расм).



10-расм. КУ-500 эшиш ўлчагичи.

1-юк; 2 ва 4-қисқичлар; 3-ип; 5-ҳисоблагич; 6-чегараловчи; 7-шакала; 8-кўрсаткич.

Ипни қисқичларга маҳкамлаётганда ҳисоблагиң 5 ва ип бўшалганда узайишини ҳисобга оладиган таранглик ўлчагиң нолга келтирилади. Аввало қисқичлар орасидаги ипнинг бурамлари эчилади. Бу ҳолда ип узаяди ва ип бўшалганда узайишини ҳисобга оладиган таранглик ўлчагиң чапга иккита бўлимга силжиш керак. Кейин, қисқичлар орасидаги ип буралишни бошлайди ва дастлабки ҳолига келгунича давом эттирилади. Ип бўшалганда узайишини ҳисобга оладиган таранглик ўлчагиң чапга иккита бўлимга силжиш керак. Кейин, қисқичлар орасидаги ип буралишни бошлайди ва дастлабки ҳолига келгунича давом эттирилади. Ип бўшалганда узайишини ҳисобга оладиган таранглик ўлчагиң дастлабки нол ҳолатига келади. Ипнинг қисилган узунлигига нисбатан ҳисоблагиң икки марта ортган эшиш сонини кўрсатади. Шунинг учун бир метр масофадаги ипнинг ҳақиқий эшилишини ҳисоблаш учун ҳисоблагиң кўрсатгичини иккига кўпайтириш керак.

Ўртача эшиш миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\mathcal{E}_{yp} = \frac{\sum \mathcal{E}_i}{n}$$

Олинган ҳақиқий эшиш миқдори бўйича эшиш коэффициенти ҳисобланади.

$$\alpha = \mathcal{E}_{yp} \cdot \frac{\sqrt{T_x}}{100}$$

Ипнинг эшилиши бўйича ўртача квадратик оғиш миқдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$\sigma_{\mathcal{E}} = \sqrt{\frac{\sum (\mathcal{E}_i - \mathcal{E}_{yp})^2}{n-1}}$$

Ипнинг эшилиши бўйича квадратик нотекислиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$C = \frac{\sigma_{\mathcal{E}}}{\mathcal{E}_{yp}} \cdot 100$$

Йигирилган ипларнинг нуқсонларини аниқлаш. Ипларнинг нуқсонлари ҳар хил усуллар билан аниқланади:

1. Ипнинг рангига зид бўлган рангли юзага ипни маълум зичлиқда экранли панелга ўраб унинг устидаги нуқсонларни фотоэталон билан солиштириб

аниқланади. Фотоэталон кўринишларида ипнинг тозалиги бўйича синфи кўрсатилган бўлади (пахта, ипак).

2. Панелга ўралган ипларнинг устига трафарет қўйиб, квадратлар ичидаги ипларнинг нуқсонлари саналади ва 1 г ипга тўғри келган нуқсонлар сони қўйидаги формула билан аниқланади.

$$n = \frac{n_i \cdot 10^3}{T \cdot L}$$

бу эрда: L - текширилган ип узунлиги, м; T - ипнинг чизиқий зичлиги, текс; n_i - L узунликдаги нуқсонлар сони.

Пахта ипи тозалиги бўйича А,Б,В, синфларга бўлиниши 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Тозалик синфи	1 г ипдаги нуқсонлар		
	T=33 текс	T=20-33 текс	T=20 текс
А	20	30	40
Б	80	120	140
В	120	200	220

1-жадвал бўйича таҳлил қилинган ипнинг синфи аниқланади.

5- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

ТИКУВЧИЛИК ИПЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИНИ ЎРГАНИШ

Тикувчилик иларининг хусусиятларини аниқлаш

Асосий маълумот. Тикувчилик иларининг савдо номери-бу тикувчилик иларининг қалинлигини (йўғонлигини) шартли белгиси бўлиб, у қанчалик ингичка бўлса, савдо номерининг сон қиймати шунча юқори бўлади. Йўғонлигига қараб 3 ва 6 қўшимли ғалтак илар қўйидаги савдо номерларига бўлинади:

3 қўшимли-10,20,30,40,50,60,80,100,120.

6 қўшимли -10,20,30,40,50,60,80.

Тикувчилик иларининг ҳақиқий диаметри-лабораторияда синов йўли билан мосламалардан аниқланадиган диаметр.


Тикувчилик иларининг ҳисобланган диаметри-ҳисоблаш йўли билан тенглама ёрдамида аниқланадиган диаметр.

Тикувчилик иларининг эшилишдаги қисқариши-бир неча илардан ташкил топган (тузилган) иларнинг ёки бир илнинг эшиш натижасида узунлигининг қисқаришига айтилади.


Тикувчилик иларининг хусусиятларини аниқлаш усуллари

Иларининг чизиқий зичлигини аниқлаш усули

Тикувчилик иларнинг чизиқий зичлигини аниқлаш учун 100 метрли калава ўраб олинади ва уларнинг массаси аниқланади. Тикувчилик иларининг чизиқий зичлигини аниқлаш учун қўл билан ишланадиган чарх ёрдамида 10 метрдан бешта калава ўраб олинади (11-расм). Ҳар бир калаванинг массаси аниқланади. Ўн метрли калаванинг ўртача қийматини 10 га кўпайтириб, 100 метрли калаванинг қиймати аниқланади (12-расм).



11-расм. Чарх шакли.



12-расм. Квадрант тарозисининг шакли.

Олинган натижга ёрдамида тикувчилик ипларининг ҳақиқий натижавий чизиқий зичлиги T_{HAT} (г/км) қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$T_{HAT} = \frac{m_{шак}}{0,1} .$$

Ташкил қиладиган ипларнинг сонини санаб, $T_{ТАШ}$ (г/км) чизиқий зичлиги аниқланади.

$$T_{ТАШ} = \frac{T_{HAT}}{n_{ТАШ}}$$

Савдо номери билан натижавий чизиқий зичлигининг ўзаро муносабатини 2-жадвал ёрдамида фойдаланиб, тикувчилик ипларнинг савдо номери Н билан белгиланади.

Савдо номери Н	Уч кўшимли тикувчилик иплари		Олти кўшимли тикувчилик иплари	
	Ташкил қилувчи ипларнинг чизиқий зичлиги	натижавий чизиқий зич- лиги	Ташкил қилувчи ипларнинг чизиқий зичлиги	натижавий чизиқий зич- лиги
10	34,5	103,0	16,5	103,0
20	27,0	81,8	13,0	81,0
30	21,0	63,6	11,0	68,6
40	16,5	50,0	8,5	53,9
50	13,0	39,4	7,5	46,6
80	7,5	22,7	5,9	41,8
100	6,7	20,3	-	36,8
120	5,9	17,9	-	-

Тикувчилик ипларининг ҳақиқий диаметрини аниқлаш. Тикувчилик ипларининг ҳақиқий диаметрини аниқлаш учун «СНИХБИ»да яратилган ипларнинг диаметрини аниқлайдиган махсус мослама, окулярли ёки объективли микроскоп ва йўғонликни ўлчайдиган мосламаларни қўллаш мумкин. Ипнинг диаметрини ўлчайдиган мосламанинг ўлчов майдонларининг орасига олтита бир-бирига параллел жойлашган ип ўрнатилади ва уларнинг диаметри 2-жадвалга қараб олинади.

Пишитилган ипларнинг йўғонлиги ва қисқаришини аниқлаш. Тикувчиликда ишлатиладиган пишитилган ипларнинг умумий чизиқий зичлигини ва эшишда ипнинг қисқаришини аниқлаш учун круткомер КУ-500 асбобидан фойдаланилади.

КУ-500 асбобининг қисқичлари орасини 500 мм га қўйиб, ип тескари томонга эшилади. Эшилган ипни ташкил этувчи танҳо иплар параллел ҳолатга келганда круткомер асбобидан эшилишлар сони ва эшилганда ипнинг қисқариши ёзиб олинади. Қисқичлар орасидаги ипларнинг массаси тортилиб ипнинг умумий чизиқий зичлиги топилади.

$$T_y = T_{\varTheta} \cdot n$$

бу эрда: T_y - танҳо ипнинг чизиқий зичлиги, текст; n -танҳо иплар сони.

Эшилганда ипларнинг қисқаришини ҳисобга олиб, умумий чизиқий зичлик қўйидаги формула билан аниқланади.

$$T_y = \frac{T_3 \cdot n}{100 - U_1} \cdot 100$$

$$U_1 = \frac{L_1 - L_2}{L_1} \cdot 100$$

бу эрда: U_1 -биринчи қўшиб эшилгандағи ипнинг қисқариши.

Агар иплар икки марта қўшиб эшилса ипнинг умумий чизиқий зичлиги қўйидаги формула билан аниқланади.

$$T_y = \frac{T_3 \cdot n_1 \cdot 100 \cdot n_2}{(100 - U_1) \cdot (100 - U_2)} \cdot 100$$

бу эрда: U_2 -иккинчи марта қўшиб эшилгандағи ипнинг қисқариши.

Агар ҳар хил йўғонликдаги танҳо иплар қўшилса умумий ипнинг чизиқий зичлиги уларнинг йиғиндисига teng:

$$T_1 = T_2 = T_3 ; \quad T_y = T_1 + T_2$$

У ҳолда эшилган ипларнинг эшилганда қисқариши T (текс) да қўйидаги формула билан аниқланади:

$$T_y = \frac{T_1 + T_2}{100 - U_1} \cdot 100$$

6-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ТУЗУЛИШИ ВА ЎРИЛИШЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Асосий маълумотлар. Тўкувчилик ўрилишлари турлича бўлиб, газламанинг хоссалари ва тузилишини белгилайди. Газламанинг ўнгидаги нақшлари, силлиқлиги, товланиши, танда ва арқоқ ипларнинг ўрилишига боғлиқдир.

Тўкувчилик ўрилишлари газламанинг бир қанча хоссаларига: мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, қалинлиги, ситилувчанлиги, бикирлиги, киришиши ва бошқа хоссаларига таъсир қиласи. Тўкувчилик ўрилишлари ўз навбатида тўртга гурухга бўлинади: оддий ўрилиш, майда гулли ўрилиш, мураккаб ўрилиш ва йирик гулли ўрилиш.

Тўкувчилик газламаларининг ўрилишини аниқлаш вақтида бўйлама қатор танда иллари, кўндаланг қатор еса арқоқ иллари деб белгиланади.

Агар танда иллари арқоқ илларининг юқорисидан ўтиб ўрилиши танда ёпилиш, аксинча бўлса, арқоқ иллари танда илларининг юқорисидан ўтиб ўрилишига арқоқ ёпилиши дейилади.

Газлама ўрилишининг такрорланувчи қисми рапорт дейилади.

Газламанинг узунлиги бўйлаб такрорланадиган рапорт арқоқ бўйича рапорт, газламанинг ени бўйлаб такрорланадиган рапорти еса танда бўйича рапорт деб аталади.


Оддий ўрилиш. Оддий ўрилишлар гуруҳига полотно, саржа, атлас, сатин ўрилишлар киради. Барча оддий ўрилишларга хос хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

- 1) ҳар қайси танда или рапортда арқоқ или билан фақат бир маротаба ўрилишади;
- 2) ҳар доим танда бўйича рапорт, арқоқ бўйича рапортга тенг бўлади.

Полотно ўрилиш-тўкувчилик ўрилишлари ичida енг кўп тарқалган ўрилишdir. Бунда танда ва арқоқ иллари навбатма-навбат келади: газламанинг ўнгига бир гал танда или, бир гал арқоқ или чиқади. Полотно ўрилиш схемаси 13-

расмда кўрсатилган.

Полотно ўрилишда тўқилган газламаларнинг ўнги ва тескараси бир хил-текис ва кул рангли бўлади.




13-расм. Полотно ўрилиши.

Полотно ўрилишли пахта-газламалар-чит, бўз, миткал, маркизет, астра, мая ва ҳ.з. зигир толали газламалар-полотно, бортовка, парусина ва ҳ.к; жун газламалар-мовут, баъзи кўйлаклик ва костюмбоп газламалар тикишда ишлатилади.

Полотно ўрилишда тўқилган газлама енг пишиқ бўлиб, зич тўқилганда еса қаттиқлиги ошади. Агар полотно ўрилишда танда иплари арқоқ илларига қараганда йўғонроқ бўлса, газламада кўндаланг йўллар ҳосил бўлади.

Саржа ўрилиш. Саржа ўрилишли газламаларнинг ўзига хос томони шундаки, газлама устида диагонал бўйича кетган йўллар бўлади (саржа, кашемир, шотланка ва ҳ.к.) Саржа газламаларнинг ўнгида, одатда, йўллар чапдан ўнга қараб пастдан юқорига, баъзи ҳолларда еса ўнгдан чапга қараб кетади.

Саржа ўришларининг хусусиятлари: 1) рапортда енг кам иллар сони учта бўлади, ҳар гал арқоқ ип ташланганда тўкув нақши бир ипга сурилади. Саржа ўрилишлар каср билан белгиланади: суратга ҳар қайси рапорт қаторидаги танда ёпишишлар сони, маҳражга арқоқ ёпишишлар сони кўрсатилади. Саржа ўрилиши 14-расмда кўрсатилган. Саржанинг танда бўйича раппорти арқоқ бўйича раппортига, ҳамда сурат ва маҳраждаги рақамлар йиғиндисига teng. Агар саржанинг ўнгида танда иплари кўп бўлса, бундай ўрилиш тандали саржа ўрилиш дейилади (2/1, 3/1, 4/1). Агар саржанинг ўнгида арқоқ иллари кўп бўлса, арқоқли саржа ўрилиши дейилади (1/2, 1/3, 1/4).



14-расм. Саржа ўрилиши.

а) саржа 1/2

б) саржа 2/1

Саржа раппортидаги иплар сонига ҳамда танда ва арқоқнинг зичлигига қараб, саржа ўрилишдаги йўлларнинг қиялик бурчаги ҳар хил бўлиши мумкин. Агар танда ва арқоқ ипларининг зичлиги ва йўғонлиги бир хил бўлса саржа йўлларининг қиялиги 45^0 ни ташкил етади. Саржа ўрилишли газламалар эластик, майин, лекин полотно ўрилишли газламаларга қараганда мустаҳкамлиги пастроқ бўлади, чунки саржа ўрилишдаги ёпилишлар полотно ўрилишдагига қараганда чўзиқроқдир. Саржа ўрилишда сийракроқ тўқилган газламалар диагонали бўйича чўзилувчан бўлади.

Сатин ва атлас ўрилиш. Сатин ва атлас ўрилишли газламаларнинг ўнгидаги чўзиқ ёпилишлар мавжуд бўлиб, шу сабабли газламанинг ўнги, одатда силлиқ ва товланувчи бўлади. Сатиннинг ўнгидаги арқоқ иплари, атласнинг ўнгидаги еса танда иплари кўп чиқади. Сатин ва атлас ўрилишлар раппортида камида бешта ип иштирок лозим. Сатин ва атлас ўрилишлари 15-расмда кўрсатилган.

Сатин ўрилишда (15-расм) ҳар қайси танда ипи рапортда фақат бир марта газлама ўнгига чиқади, кейин тўртта арқоқ ипи тагига ўтади.

Кенг тарқалган пахта газлама-сатин ҳам атлас ўрилишда тўқилади. Сатин ўрилишда арқоқ ёпилишлар чўзиқроқ бўлгани учун жуда зич газламалар тўқишига имконият туғдиради.

Атлас ўрилиш сатин ўрилишда (15-расм) ўхшайди, аммо беш ипли атлас ўрилишда рапортдаги ҳар қайси танда ип тўртта арқоқ ипни ёпади ва битта арқоқ ип тагидан ўтади. Атлас ўрилишли газламаларнинг ўнги танда ипларидан иборат бўлади.

7						
6		■				
5						
4			■	■		
3						
2					■	
1	■					
	1	2	3	4	5	6

Сатин 7/3

$$P_h = P_a = 7; \quad 3=3$$

7						
6						
5						
4						
3						
2						
1						
	1	2	3	4	5	6

Атлас 7/2

$$P_t = P_a = 7; \quad 3=2$$

15-расм. Сатин ва атлас ўрилишлари.

Кўпгина астарлик шойи ва ярим шойи газламалар атлас ўрилишда тўқилади.

Сатин ва атлас ўрилишда тўқилган газламалар ишқаланишга чидамли бўлади. Бундай ўрилишда тўқилган газламаларнинг камчилиги, уларнинг ситилувчанлиги бўлиб, тахланганда ва тикканда сирпаниб кетаверади.

Майда гулли ўрилишлар. Майда гулли ўрилишлар гурӯҳи икки қисмга бўлинади: оддий ўрилишларни ўзгартириш ва мураккаблаштириш йўли билан ҳосил қилинган ҳосила ўрилишлар ва оддий ўрилишларни алмаштириш, аралаштириш йўли билан ҳосил қилинган аралаш ўрилишлар. Майда гулли ўрилишларда танда бўйича рапорт ҳар хил бўлиши мумкин. Улар ана шу хоссалари билан оддий ўрилишлардан фарқ қиласди.

Бу ўрилишларга репс, кўндаланг репс, бўйлама репс, рогожка, кучайтирилган саржа, мураккаб саржа, аралаш ўрилиш ва креп ўрилишлар киради.

Мураккаб ўрилишлар. Мураккаб ўрилишлар икки ёки ундан ортиқ иплар тизимидан ҳосил бўлади. Мураккаб ўрилишлар жумласига: икки юзали, икки қатламли, тукли пике, халқали ва ўрамли ўрилишлар киради.


Йирик гулли ўрилиш. Йирик гулли ўрилишлар маҳсус тўқув станокларида ҳосил қилинади. Йирик гулли ўрилишларда ҳосил бўладиган нақшнинг ўлчамлари ва шакли турли-туман бўлиши мумкин. Турли газламалар, гиламлар, расмлар, чойшаб, дастурхон ва ҳ.қ.лар йирик гулли ўрилишда тўқилади.

Йирик гулли ўрилишлар оддий ва мураккаб ўрилишларга бўлинади.

Газламаларнинг ўрилишини таҳлил этиш услуби. Биринчи навбатда

олинган газлама намунасининг юза кўриниши аниқлаб олинади. Баъзи газламаларнинг ўнги ва тескари бир хил бўлганлиги сабабли, ажратиш қийинроқ бўлади. Кейин, ўрилишини осонроқ билишимиз учун танда ва арқоқ ипларининг йўналишини текшириб олишимиз керак.

Тўқимачилик газламаларидан олинган намунасининг ўрилишини аниқлаш учун тўқувчилик лупасидан (16-расм) ва игналардан фойдаланилади.



16-расм. Тўқувчилик лупаси.

Бунинг учун, намуна бўлакчаси лупанинг ўртасига қўйилиб, юқоридан ўрилиши текширилади ва ипларнинг ўрилиш раппорти чизиб олинади. Қоғоз катагига газлама намунасининг ўрилишини чизиш вақтида танда ёпилишида қора билан, арқоқ ёпилишида бўлса оқлигича қолдирилади.


7-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЎЛЧАМ, МАССА ВА ТУЗИЛИШ ТАВСИФЛАРИ

Газламаларнинг ўлчам хоссалари. Газламаларнинг ўлчам хоссаларига унинг қалинлиги, ени ва узунлиги киради.

Газламаларнинг қалинлиги ипларнинг йўғонлигига, пишитилганлик даражасига, ўрилиш хилига, газлама зичлигига ва пардозлаш усулига боғлик.

Газламаларнинг вазни унинг сифат даражасини ва уни тайёрлаш учун қанча хом ашё кетишлигини кўрсатади.

Газламаларнинг ўлчам хоссаларини аниқлаш учун газлама тўдасидан намуна танлаб олиш ишлари ГОСТ 3811-72 стандарти бўйича амалга оширилади. Олинган намунанинг массаси, узунлиги, ени ва қалинлиги аниқланади. Газламанинг тузилиши ва механик хусусиятларини аниқлаш учун намуна стандартта берилган бичиш шакли бўйича бичилади (17-расм).



17-расм. 50x200 мм ўлчамли газлама намунасининг бичиш шакли.

Газламаларнинг мустаҳкамлигини аниқлашда пахта учун ускуна қисқичлари орасидаги масофа 200 мм, жун газламалар учун 100 мм бўлади. Газлама қирқим бўлагининг ени 50 мм ни ташкил етади.

Синов ишларидан олинган натижалар қуйидаги формулалар бўйича хисобланади:

1 м газламанинг чизиқли массаси ($\text{г}/\text{м}$);

$$M_1 = \frac{m \cdot 10^3}{L}$$

бу ерда: m -газлама намунасининг массаси, г ; L -намунанинг узунлиги, мм .

Газламанинг 1 м^2 массаси ($\text{г}/\text{м}^2$);

$$M_2 = \frac{m \cdot 10^6}{L \cdot B}$$

бу ерда: B -газлама намунасининг ени, мм.

Газламанинг ҳажмий массаси ($\text{мг}/\text{мм}^3$);

$$\delta_T = \frac{m \cdot 10^3}{L \cdot B \cdot t}$$

бу ерда: t -газламанинг қалинлиги, мм.

Танда ёки арқоқ бўйича зичлиги (Z_t, Z_a) 100 мм масофага тўғри келувчи танда ва арқоқ ипларининг сони бўйича аниқланади.

Танда ва арқоқ бўйича газламанинг чизикли тўлдирилиши (E_T, E_a), фоизда:

$$E_T = d_T \cdot Z_T$$

$$E_a = d_a \cdot Z_a$$

бу ерда: d_T, d_a -танда ва арқоқ ипларининг ҳисобий диаметри бўлиб, у қўйидагича бўлади.

$$d_{T/a} = 0,0357 \sqrt{\frac{T}{\delta}}$$

Газламанинг юза тўлдирилиши (фоиз);

$$E_o = E_T + E_a - 0,01E_T \cdot E_a$$

Газламанинг ҳажмий тўлдирилиши (фоиз);

$$E_v = \frac{\delta_T}{\delta_u} 100$$

бу ерда: δ_u -газламадаги ипнинг ҳажмий вазни, $\text{мг}/\text{мм}^3$ бўлиб, пахта ипи учун 0,8-0,9 $\text{мг}/\text{мм}^3$ бўлади.

Газлама юзасининг каваклиги (фоиз);

$$R_{IO} = 100 - E_{IO}$$

Газламанинг ҳажмий каваклиги (фоиз);

$$R_v = 100 - E_v$$

Газламанинг умумий каваклиги (фоиз);

$$R_M = 100 - E_M$$

бу ерда: E_M -газлама вазнининг тўлдирилиши, фоиз

$$E_M = \frac{\delta_T}{\gamma} 100$$

бу ерда: γ -тола ёки ип моддасининг зичлиги, мг/мм

Газламаларнинг тузилиш тавсифларини аниқлаш услуби. Газлама намунаси стол устига ёзилади. Қалам ва чизгич ёрдамида намуна чегараси белгиланади.

Намунанинг узунлиги учта жойидан аниқланади. Ўлчаш ишлари 1 мм гача хатолик билан олиб борилади. Олинган учта ўлчамнинг ўртacha арифметик қиймати топилади.

Газлама намунасининг қалинлиги микрометр ёрдамида аниқланади. Олинган кўрсаткичларнинг ўртacha арифметик қиймати топилади.

Кейин, газламани бичимда кўрсатилган (18-расм) кўринишда қайчи ёрдамида қирқилади ва қирқим бўлакларга ажратилади. Танда ва арқоқ йўналиши бўйича 50 мм даги иплар сони санаб чиқилади.

Газламанинг танда бўйича зичлиги қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$Z_T = \frac{(Z_1 + Z_2 + Z_3) \cdot 2}{3}$$

бу ерда: Z_1, Z_2, Z_3 -қирқим бўлакларидағи ипларнинг сони.

Газламанинг арқоқ бўйича зичлиги қуйидаги формула ёрдамида хисобланади.

$$Z_T = \frac{(Z_1 + Z_2 + Z_3 + Z_4) \cdot 2}{4}$$

бу ерда: Z_1, Z_2, Z_3, Z_4 -қирқим бўлакларидағи ипларнинг сони.

Газлама иларининг чизиқли зичлигини (текс) аниқлаш учун 5x10 см қирқим бўлакларидан танда ва арқоқ йўналиши бўйича 50 та ип чиқариб олиниб, 1 мг гача хатолиги билан вазни аниқланади.

$$T_T = \frac{m_T \cdot 10^6}{L_T}$$

$$T_a = \frac{m_a \cdot 10^6}{L_a}$$

бу ерда: m_T, m_a -танда ва арқоқ йўналиши бўйича иларнинг вазни, г; L_T, L_a - газлама намунасидаги қирқим бўлакларининг узунлиги, мм.

8-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ГАЗЛАМАЛАРНИНГ МЕХАНИК ХОССАЛАРИ

Газламанинг мустаҳкамлигини аниқлаш. Газламаларнинг

мустаҳкамлиги ва узилишдаги узайиши ГОСТ 3813-73 стандарти бўйича амлга оширилади. Тўқимачилик газламаларини узиш ишлари икки йўналишда танда ва арқоқ бўйича олиб борилади. Ўқув машғулотларини ўтказишда газлама намунасининг узилишини аниқлаш учун битта намуна ишлатилади. Юқоридаги қилинган бичимга асосан (17-расмга қаралсин) синаш ишлари олиб борилади. Бунинг учун намуна бўлаклари қўйидаги ўлчамда бўлиши шарт.

Намуна бўлакларининг ени, мм 25 25 50 50

Қисқичлар узунлиги, мм 50 200 100 200

Синаш ишлари учта танда бўйича, тўртта арқоқ йўналишидаги намуна бўлаклари билан олиб борилади.


ГОСТ 3813-72 стандартига биноан РТ-250М-2 узиш машинаси ёрдамида амлга оширилади (18-расм).

РТ-250М-2 узиш машинасида синаш ишларини олиб боришдан аввал шкала белбоғини даражаси танланади ва маятники куч ўлчагичи 39 га белгиланган юк осилади. Электроритгич 1 ёрдамида машина 220 В, 50 Гс ли тармоқ билан уланади.

Кўрсаткич ёрдамида пастки қисқичининг керакли тезлиги белгиланади.

Тутмачани ўнгга буриш билан машина ишга тушади, натижада чироқ ёнади. Пастки 21 ва юқори қисқич 17 лар, ишчи 9 ва назорат қўрсаткич 10 ларининг бошланғич ҳолати текширилади.

Дастак 15 юқори қисқич 17 ни тўхтатади. Юқори қисқич секинлик билан очилиб, намуна бўлаги жойлаштирилади. Намуна бўлагининг бир учи пастки қисқичга маҳкамланади. Юқори қисқич ушлаб турувчи мосламадан бўшатилади.



18-расм. РТ-250М-2 узиш машинаси.

1-электроритгич; 2-юқорига йўналтиргич; 3-юқ; 4-маятник; 5-юқ; 6-тишли рейка; 7-тишли фидирак; 8-юкли шкала; 9-асосий шкала; 10-назорат кўрсаткич; 11-амортизатор; 12-юкли дастак; 13,14-назорат қурилмалари; 15-маҳкамлагия қурилма; 16-кўрсаткич; 17-юқори қисқич; 18-шкала; 19-тишли фидирак; 20-намуна; 21-пастки қисқич; 22-тутқич; 23-рейка; 24-тутқич; 25-пасткиқисқич; 26-мурват; 27-редуктор; 28-муфта.

Тугма 3 «Вниз» пастки қисқичини ҳаракатга келтиради ва чўзилиш жараёни кузатилади. Газлама бўлаги узилгандан кейин, шкала 8 дан мустаҳкамлик ва шкала 18 дан еса узайиш қийматлари ёзиб олинади. Кўл ёрдамида назорат кўрсаткичи ва узайиш қийматлари ёзиб олинади. Кўл ёрдамида назорат кўрсаткичи ва узайиш бошланғич ҳолатга келтирилади. «Вверх» тугма босилиб, қисқич олдинги бошланғич ҳолатига келтирилади.

Ўткир тиф ёрдамида секинлик билан қисқичлар четидаги узилган намуна бўлаклари қирқиб олинади. Кейинги намуна бўлаклари шу тарзда давом еттирилади. Иш тугагандан кейин «Стоп» тугмачаси босилади.

Синаш натижаларига мувофиқ қуйидаги ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Материалнинг нисбий мустаҳкамлиги P_H (дан м/кг) да, қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P_H = \frac{10^3 \cdot P_M}{M_2 \cdot B},$$

бу ерда: P_M - ўртacha мутлоқ мустаҳкамлик, д; M_2 - материалнинг юза зичлиги, г/м²; B - намунанинг ени, мм.

Материалларнинг битта тузилиш элементига тўғри келган мутлоқ

мустаҳкамлик P_M^1 (сН)да икки йўналиш бўйича аниқланади.

$$P_M^1 = \frac{\kappa \cdot P_M \cdot 10^3}{3}$$

бу ерда: κ - коэффициент бўлиб, газламалар учун $\kappa = 2$, трикотаж ва нотўқима матолар учун $\kappa = 1$ бўлади.

Узилишдаги мутлоқ бажарилган иш R_M (дан см)да, қуйидаги формула билан аниқланади.

$$R_M = \eta \cdot P_A \cdot L_A,$$

бу ерда: η -чўзишиш диаграммасининг тўлиқлиги синов йўли билан аниқланади.

$$\eta = \frac{m_{OAB}}{m_{OCAB}}$$

бу ерда: m_{OAB} -ҳақиқий бажарилган иш юзасининг оғирлиги; m_{OCAB} - шартли бажарилган иш юзасининг оғирлиги; P_A , L_A -қийматлари узиш машиналаридан олинади.

Нисбий бажарилган иш иккита қўрсаткичлар бўйича аниқланади.

а) намунанинг ҳажми бўйича:

$$r_V = \frac{R_m}{V} \quad (\text{дан см/см}).$$


б) намунанинг вазни бўйича:

$$r_m = \frac{R_m}{m} \quad (\text{дан см/г}).$$

Агар бажарилган ишнинг қиймати катта бўлса, бу материалдан ишлаб чиқарилган буюмлар узоқ муддатга чидайди.

9-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТРИКОТАЖ МАТОЛАРНИНГ ТУЗУЛИШИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИНИ

Трикотаж матосининг асосий элементи бу халқадир. Трикотаж-халқа қатори ва халқа устунчаларидан иборат (22-расм).



22-расм. Трикотаж халқасининг тузилиши.

а-кўндалангига тўқилган трикотаж, б-бўйламасига тўқилган трикотаж.

Хар қандай тузилишдаги трикотаж тўқиши йўли билан олинади. Трикотаж ўрилишлари қулирли ва танда ўрилишли, якка ва қўш, асосий, ҳосила ва нақшли ўрилишларга бўлинади.

Трикотаж кўндаланг ва бўйламаси бўйича тўқилган трикотажга бўлинади.


Кўндаланги бўйича тўқилган трикотаж-трикотажда кўндаланг халқа қатори кетма-кетлик билан халқада битта ипнинг егилиши билан кифояланади.

Бўйлама бўйича тўқилган трикотаж-кўндаланг халқа қатори иплар гурухи каби ундаги ҳар бир ип кетма-кетлик билан бир қатордаги битта ёки иккита халқа бўйича ифодаланилади.

Кўндаланг ва бўйлама бўйича тўқилган трикотаж матоларининг ўрилиш нақши, текис тузилишдаги трикотаж-кўндаланг тўқилишдаги (ўрилишдаги) трикотаж-матонинг ўнг томонида (сиртида) халқа устунчалари билан аниқ ифодаланилади.

Матонинг тескари томонида игна ёйлари ва тортмалари жойлашган. Бу тузилишдаги трикотаж матолари тўқилиш томонига қараб, ҳамда қарама- қарши


томонга қараб ҳам енгил бўшалади (23-расм.) Матонинг четлари буралади. Спорт, ички ва ташқи буюмлар тайёрлаш учун ишлатилади.



23-расм. Текис тузилишили трикотаж.

Ластик-кўндаланг тўқилишдаги бўлиб, унинг халқа қаторида ўнг ва тескари халқалари навбатма-навбат такрорланади. Бу ҳолат турлича бўлиши мумкин: 1+1; 2+2; 1+2 ва ҳакоза.


Бу мато фақат қарама-қарши томонга қараб енгил бўшалади. Матонинг четлари буралмайди (24-расм). Спорт, ички, устки ва пайпоқ маҳсулотларини тайёрлаш учун қўлланилади.




24-расм. Ластик.

Тескари трикотаж-кўндаланг тўқилишдаги трикотаж. Бу тузилишдаги трикотажда **кўндаланг** қаторларида юза халқалари, тескари халқалари билан навбатма-навбат такрорланади. Натижада, матонинг иккала томони ҳам бир хил кўринишда бўлади. Матонинг четлари буралмайди. Тўқиши ва тескари томонга қараб енгил буралади. Ундан асосан устки маҳсулотлар ва бош кийимларни тайёрлаш учун қўлланилади (25-расм).

Занжир-енг содда бўйлама тўқилиши трикотаж. Трикотаж халқаларининг устма-уст жойлашиши орқали жойлашган ўрилиши занжир деб аталади. Бу ўрилиши трикотаж очик ёки ёниқ халқали бўлиши мумкин. Шойи рўмолларнинг попуги, дастурхон ёки бошқа ўрилишлар билан биргаликда устки кийимлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади (26-расм).




25-расм. Тескари трикотаж.



26-расм. Занжир.

Трико-икки занжирнинг ўзаро бир-бири билан боғланиши асосида ҳосил бўлган трикотаж ўрилишидир. Бу ўрилиши трикотаж ҳам очик ва ёпиқ халқали бўлиши мумкин. Халқа устунлари бўйлаб трико енгил бўшалади. Бошқа ўрилишлар билан бирга қўшилиб ишлатилади (27-расм).




27-расм. Трико.


Сукно ва шарме-трико ўрилишидан келиб чиқсан учта занжирлардан иборат бўлган халқалар устунининг бир-бири билан боғланишидан ҳосил бўлган ўрилиш (28-расм).

Худди шундай тартибда тўрт ва ундан ортиқ занжирлардан ўзаро бирикиши натижасида шарме ўрилиши ҳосил бўлади (29-расм).

Бу ўрилишдаги трикотаж матоларини тескари томонида узун тортмалар жойлашади. Улар қанчалик узун бўлса, мато шунчалик қўндаланги бўйича кам чўзилади ва ялтироқлиги қўп бўлади. Бу ўрилишлар аёлларнинг блузкалари, кўйлаклари ва костюмлари учун ишлатилади.



28-расм. Сукно.



29-расм. Шарме.

Трикотаж матоларининг ўрилишини таҳлил этиш. Трикотаж матоларидан намуна танлаб олинади ва биринчи навбатда халқа қатори ва устунларининг йўналиши аниқланади. Кўндаланги бўйича жойлашган халқалар қаторини ҳосил қиласди. Қатордаги халқаларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича характеристи кўндаланг ёки бўйлама тўқилишли трикотажни билдиради.

Лупа ёки микроскоп ёрдамида трикотаж матосидаги ипларнинг ўзаро боғлиқлиги кўрилади ва халқалар сони, халқа устунчаларининг сони санаб чиқилади.

Трикотаж матоларининг ўлчам хоссаларига ени, узунлиги, қалинлиги, вазни киради.

Трикотаж матоларининг ўлчам хоссаларини аниқлаш учун трикотаж матосининг тўдасидан намуна танлаб олинади. Тўдадан 5 фоизли бештадан кам бўлмаган мато бўлаклари олинади.


Ҳар бир олинган бўлакдан иккита намуна танланади: биринчиси- намликни аниқлаш учун, иккинчиси еса физик-механик хоссаларини аниқлаш учундир.

Намлигини аниқлаш учун олинган намуна бир хил қирқимлардан ташкил топган бўлиб, кондисион аппаратларда 50-100 г, қуритиш шкафларида еса 10-20 г намуна бўлакчалари олинади.

Физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш учун олинадиган намуна трикотаж матосининг четки қисмидан 1,5 м дан кам бўлмаган узоклиқда ҳоҳлаган жойидан олинади. Олинган намунанинг узунлиги 60 дан 120 см гача енликдаги мато учун 65-75 см, 120 см енликдан юқори матолар учун еса 30-35 см бўлиши керак.

Олинган намунанинг ўлчам хоссаларидан ени, қалинлиги ва 1 м вазни аниқланади.

Намуналар синаш ишларидан олдин белгиланган күрсаткичларга биноан бичилади (30-расм).



30-расм. Трикотаж матосининг бичиш шакли.

Олинган қирқим бўлагининг бешта жойидан ени ўлчанилади. Трикотаж матосининг қалинлиги, физик-механик хоссалари енг муҳим кўрсаткич ҳисобланади, яъни иссиқликни ўтказмаслик, ўтказувчанлик, қаттиқлик ва бошқалар.

Трикотаж матосининг қалинлиги «микрометр» асбоби ёрдамида аниқланади.

1 м трикотаж матосининг массаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_1 = 4 \cdot 10^{-4} \cdot Z_B \cdot Z_K \cdot L_X \cdot T_X,$$

бу ерда: Z_B -бўйламаси бўйича зичлик; Z_K -кўндаланги бўйича зичлик; L_X -халқа ипининг узунлиги, мм; T_X -ипнинг чизиқли зичлиги, текс.

Халқа ипининг узунлиги- L_X (мм) танҳо ипнинг тўғрилаб, текислангандаги узунлиги бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$L_X = \frac{\sum L_i}{500}.$$

бу ерда $\sum L_i$ - ўлчанган бешта ип узунлигининг умумий йифиндиси, мм.

Халқа қадами A -халқа устунчалари орасидаги масофа бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$A = \frac{50}{Z_K}$$

Халқа қаторининг баландлиги B , мм-халқа қаторлари орасидаги масофа бўлиб, қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$B = \frac{50}{3_B}$$

Зичлик-50 мм масофага тўғри келувчи халқа қаторлари ёки халқа устунчаларининг сони.

Чизиқли тўлдирилиши E -халқа қаторининг баландлиги ёки халқа қадамининг ени қанча фоизга иплар билан тўлдирилишини кўрсатади ва қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

Бўйламаси бўйича

$$E_B = 2 \cdot d_X \cdot 3_B$$

Кўндаланги бўйича

$$E_K = 4 \cdot d_X \cdot 3_K$$

Трикотаж матосининг юза тўлдирилиши, фоизда қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$E_{IO} = \frac{d_X \cdot L_X - 4 \cdot d_H^2}{A \cdot B} \cdot 100 ;$$

$$d_X = 0,0357 \cdot \sqrt{\frac{T}{\delta_X}}$$

Трикотаж матосининг юза тўлдирилиши халқа тасвирининг трикотаж элементар юзасига бўлган нисбати тушунилади.

Трикотаж матосининг ҳажмий тўлдирилиши E_y фоизда қуидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$E_X = \frac{\delta_T}{\delta_H} \cdot 100$$

бу ерда: δ_H - ипнинг ҳажмий массаси, мг/мм; δ_T - трикотажнинг ҳажмий массаси бўлиб, қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$\delta_T = 0,001 \cdot \frac{M_1}{h}$$

бу ерда: h - трикотажнинг қалинлиги, мм.

Трикотаж матосининг ўлчам хоссаларини аниқлаш услуби. Трикотаж матосидан намуна танлаб олиб, 31-расмда кўрсатилганидек бичиб олинади.

Матонинг қалинлигини стандарт услуби бўйича 1 kN/m^2 босим остида «толшиномер» асбоби ёрдамида аниқланади.

1 m^2 матонинг массаси қуидагича аниқланади. Учта 200×200 мм ўлчамли

квадрат олиниб, квадратнинг ўртача массаси ва 1 m^2 массаси аниқланади.

Халқа ипининг узунлиги стандартга биноан трикотаж матосининг ени бўйича 100 та халқа санаб, шу халқалар жойлашган қисми белгилаб олинади. Кейин, белгиланган ипларнинг бештасини мато ичидан чуватиб суғириб олиб, уларни тўғирлаб чизгич ёрдамида узунлиги ўлчанилади. Ўлчаш ишлари 1 мм хатолик билан олиб борилади. Олинган қийматларга асосан ўртача қиймат хисобланади.

10-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ НОТҮҚИМА МАТОЛАРНИНГ ТУЗУЛИШИ ВА ХУХУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Нотўқима матоларнинг асосий турлари билан танишиш ва уларнинг хуҳусиятларини аниқлаш усуалрини ўрганиш.

Топшириқлар.

1.Куйидаги тушунчаларнинг та’риф ва қоидалари ёзилсин:

- нотўқима матолар ;
- тикиш ипининг зичиги;
- узунлик бўйича-3б ;
- ени бўйича -3к

2.Нотўқима матоларни ишлаб чиқариш усуллари бўйича турлари ёзилсин.

3.Нотўқима матоларнинг мустаҳкамлиги ва чўзилиши аниқлаш усули ёзилсин.

4.Нўқима матоларнинг тикиш зичлиги ва тикиш учун сарфланган ип миқдори аниқлансин.

Ишни бажариш тартиби:

1.НТМ намунасининг узунлиги, ени ва қалинлиги аниқлансин.

2.НТМ намунасининг умимий массаси ва тикишга сарфланган ипнинг массаси аниқлансин.

3.НТМ намунасининг мустаҳкамлиги ва чўзилиши аниқлансин.

4.Олинган натижалар қуйидаги жадвалга тўлдирилсин.

Кўрсаткичлар	Ўлчашлар, мм				Намунанинг массаси, г
	1	2	3	4	
1.Узунлиги, L мм					
2.Ени, B мм					
3.Қалинлиги, t мм					
4.Тикилган чокларнинг зичлиги:					
-узунлик бўйича					
-эни бўйича					

Тикиш чокларнинг йўналиши	Узилиш қучи, кгк/сН/, Р _м				Узулгунча зўзилиш е _м , мм			
	1	2	3	ўртачаси	1	2	3	ўртачаси
Кўндалангига								
Бўйламасига								

1. Нотўқима матоларнинг чизиқли зичлиги қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M_L = \frac{10^3 \cdot m}{L}$$

Бу ерда: м-матонинг массаси, г; L-узунлиги, мм

2. Нотўқима матоларнинг сирт зичлиги қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади

$$M_2 = \frac{10^6 \cdot m}{L \cdot B}, (\text{Г/м}^2)$$

бу ерда В-эни ,мм

3. Нотўқима матонинг ҳажмий зичлиги қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M_3 = \frac{10^3 \cdot m}{L \cdot B \cdot t}, (\text{МГ/мм}^3)$$

бу ерда t- қалинлиги, мм

4. Тикиш учун сарфланган ипнинг миқдори қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K = \frac{M_{ip}}{M_H} \cdot 100, \%$$

бу ерда M_{ип}-50x50 мм намунанинг массаси,мг; M_Х-50x50 намунадаги ипларнинг массаси,мг.

Нотўқима мато (НТМ)лар ҳар қандай табиий ёки кимёвий толалардан олинади. Баъзи бир нотўқима матолар учун бошқа қайта ишлаш усуллари учун яроқсиз бўлган паст навли хом ашё ёки чиқинди толаларни ишлатиш мумкун. Бу еса ушбу материалларни тайёрлаш харажатларини камайтиради ва уларни ишлаб чиқаришда хом ашё базасини кенгайтиради.

НТМ лар 3 хил усул билан олинади:

1. Механикавий усул,

2. Физикавий-кимёвий усул,

3. Аралаш усул

Механикавий усулга тикиш-қавиши, игнали ва кигиз усуллари киради.

Тикиш қавиши усулида НТМлар ёки толали қатlam (маълум бир қалинликдаги толалар қатлами) ёки иплар қатлами, ёки газламадан олиниши мумкин. Тўқиши қавиши усули билан иплар қатламидан олинадиган НТМлар хам киради.

Игнали усулдахолст таркибидаги толанинг ўзи билан НТМ ҳосил қилинади. Бу усулда толаларни ўзидан ёки холст тагига газлама, трикотаж ёки тўр қўйиб НТМ ҳосил қилиш мумкин.

Кигиз усули асосан жун толаларидан НТМлар олиш учун қўлланилади. Бунда жун толаларига уларнинг ишқаланишга чидамлилигини ошириш мақсадида капрон толаси қўшилади.

Бу усулда НТМ тола қатламига иссиқ сув, буғ таъсирида ишлов бериш билан олинади.

Физик –кимёвий усуллардан шимдириш усули, иссиқ пресслаш ва қоғоз тайёрлаш усуллари кенг тарқалган.

Аралаш усулда бир вақтанинг ўзида механик, физик ва кимёвий усуллар қўлланилади.

Нотўқима матонинг тикиш чоклари зичлигини аниқлаш учун олинган намунанинг 3 жойидан 5 см га тўғри келган чоклар сони санаб чиқилади (бўйлама ва қўндаланг йўналиш бўйича).

НТМ мустахкамлиги ва узилишдаги чўзилиши РМ-3 узиш машинасида аниқланади.

11-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Тикувчилик материалларининг физик хоссаларини ўрганиш

Топшириқлар.

1.Кўйидаги тушунчаларнинг та’риф ва қоидалари ёзилсин:

- ҳаво ўтказувчанлик;
- сув ўтказувчанлик;
- сув ўтказмаслик;

2. Тикувчилик материалларининг физик хоссаларини аниқловчи асбобларнинг тузилиши билан танишилсин

3.Бажарилган иш юзасидан хулоса ёзилсин.

Ишни бажариш тартиби:

Ҳаво ўтказувчанлик-газлама ўзидан ҳавони ўтказиш қобилияти билан аниқланади.

Тўқимачилик материалларнинг ҳаво ўтказувчанлиги коэффициенти билан ифодаланади, яъни 1 м^2 газламадан 1 с белгиланган босим остида ўтган ҳаво миқдори бўлиб, у куб метрда ўлчанади.

ГОСТ 12088-77 «Тўқимачилик газламалари ва улардан тайёрланган буюмлар. Ҳаво ўтказувчанлигини аниқлаш» стандарти бўйича майший, ҳарбий, техник, трикотаж ва нотўқима матоларнинг ҳаво ўтказувчанлиги аниқланади.


Синаш ишлари учун ВПТМ-2 кўринишидаги асбоб ишлатилади (38-расм).

Синаш ишларини олиб боришдан олдин индикатор 1 даги ва дифференсиал манометр 2 даги спиртнинг нолли ҳолати текширилади. Бошқариш тугмачасини босгандан кейин, чироқ ёнади.

Асбобнинг тўғри ишлашини текшириш учун мурват ёрдамида бажарилади. Камера 4 даги сийраклашишни 49 Па индикатори бўйича белгилашда

дифференсиал манометринг кўрсаткичи, назорат мурватининг кўрсатишига мос келсин. Ундан ташқари, асбобда стол 5 ва найчасимон қўшгич 7 жойлашган бўлиб, 8 ва 9 вентурилар шундай танланадики сийраклашиш намуна остида индикатор бўйича 49 Па ни ташкил ецин. Агар намуна остида сийраклашиш 49 Па катта бўлса, унда катта тешикли пластинка қўйилади.

Ҳаво ўтказувчанлик намунанинг ўнта жойидан диагонали бўйича олиб борилади.



ВПТМ-2 асбоби.

Синалаётган намуна 6 юза кўринишда жойлаштирилади ва столга халқа 3 ёрдамида қизил чироқ ёнгунича қисилади. Електрюритгич билан шамоллатгич 11 автоматик равища ишга тушади.

Дроссел 10 ни очиб намуна остидаги сийраклашиш 49 Па га тўғирланади, индикатор 2 шкаласи бўйича сийраклашиш 1 аниқланади. Дифференсиал манометрининг шкаласи 2 бўйича шкаланинг бир бўлинма оралиғигача аниқлиги билан қийматлар ҳисобланади. Намуна билан куч биргалиқда олинганда електрюритгич билан шамоллатгич 11 билан автоматик равища тўхтайди. Олинган қийматларнинг ўртааси топилади. Олинган босим бўйича маҳсус жадвалдан ҳаво миқдори аниқланади.

1. Намуналарнинг ҳаво ўтказувчанлиги ВПТМ-2 ускунасида аниқлансин ва олинган натижалар жадвалга ёзилсин.

т/р	Намуна турлари	Дифманометринг кўрсаткичи, мм.спирт.устуни			
		1	2	3	Ўртааси
1.					
2.					
3.					

2. Тўқимачилик маҳсулотларининг ҳаво ўтказувчанлиги қўйидаги формула

билин ҳисобланади.

$$X_p = \frac{V_{VP}}{F \cdot T}, \text{ дм}^3/\text{см}^2 \cdot \text{с}$$

$B_{\text{ыр}}$ - намунадан ўтган ҳавонинг миқдори, дм^3 ;

F - намуна юзаси, см^2 ;

T - вақт, с

Сув ўтказувчанлик (C_p)-газлама ўзидан сув ўтказувчанлиги тушунилади.

Сув буғлари газламадаги коваклар орқали, шунингдек, материалларнинг гигроскоплиги ҳисобига ўтади. Газлама кийим остидаги ҳаво намлигини шимиб, атроф-муҳит буғлатади.

Сув ўтказувчанлик хусусияти учун сув ўтказувчанлик коэффициенти қабул қилинади, яъни у 1 см^2 газламадан белгиланган сув босимда п 1 мин давомида сув миқдорининг ўтишини (дм^3) кўрсатади ва қуийдаги формула ёрдамида ҳисобланади.


$$C_p = \frac{V}{S \cdot t}, \frac{\text{dm}^3}{\text{см}^2 \cdot \text{s}}$$

бу ерда: V -маълум вақтда намунадан ўтган сув миқдори, дм^3 ;

S -намунанинг юзаси, см^2 ; t -вақт, с.

1. Ёмғирлантириш қурилмасида тўқимачилик газламаларининг ўзидан сув ўтказувчанлик хусусияти бўйича олинган натижалар қуийдаги жадвалга ёзилсин.

№	Намуна турлари	1 мин давомида сув миқдорининг ўтишини, $\text{дм}^3/\text{м}^2 \cdot \text{с}$




39-rasm. Yomg'irlantirish kurilmasi.

Ёмғирлантириш қурилмаса ёрдамида газламанинг сув ўтказувчанлигини аниқлаш. Венгрияning ёмғирли қурилмаси қуйидагилардан ташкил топган (39-расм). Идиш 1 сув ўтадиган найча 2 билан боғланган. Идишнинг пастки қисмида кран 3 бўлиб, тешикли найча 5 билан воронка 4 даги сувни ўтказиш учун хизмат қилади ва идишдаги сув даражасини тартибга келтириш учун тўқадиган трубача 6 амалга оширади. Сув йиғгич 7 синалаётган намунага кийгизилади, халқа тирқиши 8 га ўрнатилади. Кран 9 идишга кетадиган сувни тартибга солиб туради.

Ишни бажаришдан олдин асбобдаги сувнинг узатилиш тезлиги текширилади. Унинг учун кран 3 нинг ёпиқ ҳолатида идишдаги тўқадиган трубачанинг енг юқори даражасигача тўлдирилади. Кейин, кран 3 очилади ва кран 9 ёрдамида сувнинг узатилиши тартибга келтирилади.

Олинган намунанинг ўлчами 250x250 мм бўлиб, сув йиғгич 7 га резинали халқа ёрдамида маҳкамланади, кейин сув йиғгич 7 кўндалангига 45⁰C бурчак остида келтирилади ва кран 3 тўлиқ очилади. Намуна 60 с давомида ёмғирлантирилади. Иш тугагандан кейин кран 3 ёпилади. Намуна сув йиғгичдан олинади ва сув йиғгичдан йигилган сув тўкилиб ҳажми аниқланади. Олинган натижада биноан сув ўтказувчанлик коэффициенти юқоридаги формулага асосан топилади.

Сув ўтказмаслик-газламанинг сув ўтишига қаршилик қилиш хусусияти. Сув ўтказмаслик махсус газламалар (брезентлар, палаткалар), плашлик газламалар, палтолик ва костюмлик жун газламалар учун айниқса муҳимдир. Сув ўтказмаслик газламанинг толавий таркиби, зичлигига ва пардозлаш усусларига боғлик бўлади.



40-rasm. Penetrometr asbobi.

Пенетрометр ускунаси ёрдамида газламанинг сув ўтказувчанлигини аниқлаш.

1. Пенетрометр ускунасида тўқимачилик газламаларининг ўзидан сув ўтказмаслик хусусияти бўйича олинган натижалар қуидаги жадвалга ёзилсин.

№	Намуна турлари	Манометрда сувнинг кўтарилиш баландлиги Н/см/ сув устуни

Пенетрометр асбоби газламанинг сув ўтказмаслигини аниқлайди. У идиш 1, воронка 2 ва манометрик трубача 3 дан ташкил топган (40-расм). Синаш ишини бошлишдан олдин идиш 1 сув билан тўлдирилади ва йўналтиргич 2 бўйича уни кўтаради. Кран 3 ва 4 лар очилиб сув идишдан туша бошлайди ва воронка 5, трубача 6 ни тўлдиради. Сувнинг тезлиги қуидагича тартибга келтирилади: воронка 5 металл диск 7 билан ёпилади ва халқа 8 ёрдамида сиқилади. Кран 4 ни очганимизда кран 3 шундай холатда белгиланадики, манометрик трубачадаги сувнинг кўтарилиш тезлиги 2 м/с га teng бўлсин. Тезлик секундомер орқали кузатилади. Асбобдан синаш тартиби қуидагича: кран 4 очилиб, воронка сув билан тўлдирилади, ундан кейин кран 4 ёпилади. Воронка синалаётган намуна билан ёпилади ва намунанинг устки қисми 8 билан қисилади. Кейин, яна кран 4 очилади. Шунда сув идиш 1 дан туша бошлайди ва босимнинг ошиши кузатилади. Намунанинг юзида учта томчи ҳосил бўлганда, кран 4 ёпилади ва манометр 3 нинг кўрсатиши бўйича босим ўлчами олинади. Синаш ишларидан кейин, воронка ва манометрдаги сув тўкиб ташланади.

12-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЭГИЛИШГА ҚАРШИЛИГИ ВА БУРМАБОПЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Тўқимачилик маҳсулотларини егилишдаги бикрлигини аниқлаш, ҳамда ускуналар билан ишлашни ўрганиш. Тўқимачилик маҳсулотларини егилишдаги бурамабоплигини аниқлаш, ҳамда ускуналар билан ишлашни ўрганиш.

Топшириқлар:

1.ПТ-2 ускунаси ёрдамида бикрликни аниқлаш усули ёзилсин ва ускунанинг шакли чизилсин.

2.Куйидаги тушунчалар учун таъриф ва қоидалар ёзилсин:

-тўқимачилик маҳсулотларининг бурмабоплик хусусияти.

3.Дискали ускуна ёрдамида бурмабоплик хусусиятини аниқлаш усули ёзилсин ва ускунанинг шакли чизилсин.

4.Ипак марказий илмий тадқиқот институти томонидан яратилган газламаларнинг бурмабоплик хусусиятини аниқлаш усули ёзилсин ва унга ишлатиладиган ускунанинг шакли чизилсин.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

Газламанинг бикрлигини аниқлаш учун газламалардан икки йўналиш бўйича намуна тайёрлаб (30x160 мм), уларни массаси тортилади. Кейин еса ПТ-2 ускунаси ёрдамида газламанинг егилишдаги бикрлиги аниқланиб, олинган натижа қўйидаги жадвалга ёзилади.

№	Кўрсаткичлар	Газламалар					
		1	2	3	4	5	Ўртacha
1.	Текширув йўналиши						
2.	Намунанинг узунлиги, L см						
3.	Намунанинг осилган қисми узунлиги, e см						
4.	Намунанинг ўртача егилганлиги, f см-тандা						
	-арқок						
5.	Намунанинг массаси, m г						
6.	Намунанинг нисбий егилганлиги:						
	$f_{нисб.} = \bar{f}/e; \quad \bar{f} = \frac{f_1 + f_2}{2}$						

Мустақил ҳисоблаш тартиби:

Жадвалларга ёзилган натижаларга асосан қуйидаги ҳисоблар бажарилади:
Текширилаётган газламанинг бикрлиги қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$E = \frac{42046 \cdot m}{A_{ж}}, \text{ (мкН} \cdot \text{см}^2\text{)}$$

бу ерда, m - 5 та намунанинг массаси, г

$A_{ж}$ - коеффициент жадвалдан f_0 га нисбатан олинади.

Бажарилган иш юзасидан тегишли хуносалар ёзилсин.

Асосий маълумот

Егилишдаги бикрлиги-ташқи кучлар таъсирида буюм шаклининг ўзгаришига қаршилиги тушинилади.

Шаклининг ўзгаришига боғлиқ равишда қўйилган деформасияларнинг кўриниши бикрликдаги чўзилиш, пишитилиш, егилиш ва бошқа хусусиятлари бўйича фарқланади. Газламалар учун егилишдаги бикрлик енг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Одатда, газламаларнинг егилишидаги бикрлигининг тескари хусусияти-егилувчанлик билан баҳоланади.

Эгилиш қанчалик кўп бўлса, газламанинг бикрлиги шунчалик кам бўлади.

Тўқимачилик газламаларининг егилишдаги шартли бикрлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$B_{III} = \frac{G \cdot L^3}{A}.$$

бу ерда: G -1 пог, см газлама намунасининг массаси мкН/см (мгс/мгс) бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$G = \frac{q}{L_0}$$

бу ерда: q - намуна узунлигининг массаси, мкН (мгс);

L -намунанинг еилган қисмининг узунлиги, см, бўлиб у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$L = 0,5 \cdot (L_0 - x),$$


бу ерда: x -қисқичнинг ени, яъни у 2 см га тенг.

A – нисбий егилиш ϕ_0 функцияси, ϕ_0 куйидаги формула ёрдамида топилади. $f_0 = \frac{f}{L}$

бу ерда: ϕ -намунанинг мутлоқ егилиши, см.

Тўқимачилик газламаларининг егилишидаги бикирлигини аниқлаш. Тўқимачилик газламаларининг егилишидаги бикирлигини ГОСТ 10550-75 стандарти бўйича ПТ-2 асбоби ёрдамида аниқланади (31-расм). Бунинг учун газлама тўдасидан намуна танланади. Бошланғич узунлиги 160 мм, эни 30 мм бўлган намуна қирқимлари бичим ёрдамида танда ва арқоқ йўналиши бўйича танланади. Агар қўшимча синашлари кўрсаткичлар $f \leq 10$ мм ва $f_0 \geq 0,65$ мм шартларига мос келмаса, унда узунлик кетма-кетлик билан 10; 20; 30; мм га қачонгина олинган натижалар белгиланган шартларга тўғри келмагунича камайтирилиб борилаверади. Синаш иплари учун 5 та қирқим бўлаги олинади.

Намунанинг мутлоқ егилиши f ни аниқлаш учун асбобнинг текислиги 2 та кўндаланг қўринишда жойлаштирилади. Тугмача 4 ёрдамида механизм ишга туширилади ва намунанинг чан ва ўнг қисмлари егилади.



ПТ-2 асбоби.

1-қўшгич тугма; 2-механизм; 3-мурват; 4-егилиш кўрсаткичи; 5-шкала; 6-юза қисми; 7-намуна; 8-юқ; 9-шкала.

Намунанинг текисликда ажралиш даврида икки тарафда олинган намунанинг учларидаги ҳар бири ўртacha чизигигача мурват 8 иштирокида пластинка кўтарилади ва силжийдиган кўрсаткич 7 ёрдамида егилиш ўлчамини шкала 6 дан ёзиб олиш мумкин.

Кўрсаткични кўтариш ёки тушириш ишлари фақатгина текислик 2 нинг икки қисмидаги бўйлама ҳолатидагина амалга оширилади.

Тұқимачилик маҳсулотларини егилишдаги бурамабоплигини аниқлаш, ҳамда ускуналар билан ишлашни ўрганишда илмий тадқиқот институти томонидан яратылған газламаларнинг бурмабоплик ҳусусиятини аниқлаш усулидир. Бу усул билан олинган натижалар қуйидаги жадвалга ёзилади.

№	Газламаларнинг тури	Газлама йұналиши	Масофа А, мм
1.			
2.			
3.			
4.			

Мустақил ҳисоблаш тартиби:

Тұқимачилик маҳсулотларини бурамабоплик ҳусусиятини «Ипак илмий тақиқот институти» яратған усули бүйіча қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$B = \frac{200 - A}{200} \cdot 100, \%$$


Бажарылған иш юзасидан тегишли хulosалар ёзилсін.

Бурамдорлық B -осылған газламаларнинг ўз оғирлигі остида юмшоқ қат-қат бурамларни ҳосил қилиши.

Газламаларнинг бурамдорлигі асосан егилишдаги бикрлигига боғлиқдір.


Газламаларнинг бурамдорлигини аниқлашнинг түрли услублари бор. Бириңчи услуб В.Я.Евдокимов ва А.К. Бухарева услубларидір (32-расм).

Синаладиган газламадан 400x200 мм ўлчамли намуна қирқиб олинади. Намунанинг калта томонига түртта нұқта қўйилади: бириңчи нұқта газламанинг ён четидан 25 мм, қолғанлари еса 65 мм ичкарига қўйилади. Белгиланған нұқталардан игна ўтказилиб, намунада учта бурам ҳосил қилинади. Газламанинг учлари игна билан тиқин ёрдамида қисилади ва еркин осилған, ҳамда игнага маҳкамланған газлама намунаси 30 мин турғандан кейин пастки қирғоқлари бүйіча A масофа мм да ўлчанилади.



В.Я.Йевдокимов ва А.К. Бухарева услуби бўйича бурамдорликни аниқлаш.

Газламанинг барча йўналишларидағи бурамдорлигини аниқлаш учун дискли услуб қўлланилади. Газламадан доира шаклидаги намуна қирқиб олинади ва уни кенгроқ диаметрдаги диск устига ёпилади. Диск қўтарилади, шунда газлама намунасида бурамлар ҳосил бўлади. Диск юқоридан ёритилганда газламанинг бурамлар тасвири пастдаги қофозга тушади. Тасвирини чизиб олиб унинг юзаси аниқланади.



Намуна жойлаштириш (а) ва намунанинг қофоздаги тасвири (б).

а-яхши; б-ёмон; в-танда бўйича ёмон.

Бурамдорлик коэффициенти-намуна юзаси билан изининг юзаси орасидаги фарқнинг намуна юзасига нисбати билан ифодаланади. Бурамдорлик коэффициенти фоизда бўлиб, қуйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$K_B = \frac{S_0 - S_H}{S_0} \cdot 100$$

бу ерда: S_0 -намуна юзаси, мм^2 ; S_H -намуна изининг юзаси, мм^2 .

13-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ҒИЖИМЛАНМАСЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Тўқимачилик матоларининг ғижимланмаслик хусусиятларини аниқлаш усулини ва унда қўлланиладиган ускуналарнинг ишлаш усулларини ўрганиш.

Топшириқлар:

1.Маҳсулотларнинг ғижимланмаслик хусусияти деган тушунчанинг таърифи ёзилсин.

2.Йўналиш бўйича маҳсулотларни ғижимланишлиги усули ёзилсин. СМТ-ускунасининг шакли чизилсин.

3.Ихтиёрий ғижимлаш билан матонинг ғижимланмаслик коэффициентини аниқлаш усули ёзилсин. СТП-6 ускунасининг шакли чизилсин.

4.Тўқимачилик матоларининг ғижимланмаслик хусусиятини белгиловчи катталик топилсин.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1.Газламалардан тайёрланган намунавий тасманинг СМТ ускунасида текшириб, олинган натижалар қуйидаги жадвалга ёзилсин.

№	Маҳсулотнинг тури	Текшириш йўналиши	Қайта тикланиш бучаги					
			α_1	α_2	α_3	α_4	α_5	Ўртча микдори
1.								
2.								
3.								
4.								

2. Худди шу тартибдаги ишни НСТП ускунасида такрорлаб, олинган натижалар қуйидаги жадвалга ёзилади.

№	Маҳсулотнинг тури	Текшириш йўналиши	Намунанинг баландлиги	
			1 марта езилгандан кейин, x_1	10 марта езилгандан кейин, x_{10}
1.				
2.				
3.				
4.				

Жадвалларга ёзилган натижаларга асосан қуйидаги ҳисоблар бажарилади:

1. СМТ ускунасида олинган натижаларга асосан маҳсулотларнинг ғижимланмаслигини белгиловчи коэффициент қуидаги формула ёрдамида хисобланади;

$$F = 0,555 \cdot \alpha_{yp} = \%$$

2. СТП ускунаси ёрдамида олинган натижаларга асосан бир маротаба езилгандан кейин ғижимланмаслик коэффициенти қуидаги тенглама асосида хисобланади:

$$F_1 = 100 \cdot h_1 / h_0 = \%$$

бу ерда, x_0 - бошланғич баландлик;

x_1 - куч таъсир қилгандан кейинги баландлик. 10 марта езилгандан кейинги ғижимланмаслик коэффициенти.

$$F_{10} = 100 \cdot h_1 / h_0 = \%$$

3. Ишнинг оҳирида тегишли хulosалар ёзилиши керак.

Букилганда ва ҳар хир кучлар таъсирида газламада ғижимлар ва бурамалар ҳосил бўлиши ғижимланувчанлик дейилади. Ҳосил бўлган ғижим ва бурамларни фақат хўллаш-дазмоллаш йўли билан кетказиш мумкин. Букиш ва қисиши таъсирида ҳосил бўладиган қолдик деформасиялар ғижимланувчанликни келтириб чиқаради. Қайшқоқ ва еластик қисми анча катта бўлган толалар букиш ва қисиши деформасиясидан кейин секинроқ ёки бир оз тезроқ текисланади ва дастлабки ҳолатини егаллайди, шунинг учун ғижимлар йўқолади.

Тикланиш бурчаги α -намунанинг 180^0 да тўлиқ тикланиш бурчаги.

Гижимланмаслик F -ғижимланувчанликка тескари тушунча бўлиб, у газламанинг езилишига қаршилик кўрсатиши, ҳамда букилишига сабаб бўлган куч олингандан кейин дастлабки ҳолатини тиклаш хоссасидир. Газламаларнинг ғижимланмаслиги стандарт услуби бўйича ғижимланмасликни ўлчаш асбобида аниқланади (34-расм). Асбобнинг асоси 1 мурват 3 ёрдамида маҳкамланган бўлиб, унда тенглаштириш даражаси 2 ва юмолоқ шкала 4 жойлашган. Устун 5 нинг йўналтирилган тирқишидаги қисқич 6 нинг таянч қисмига намуна 180^0 егилган ҳолатида жойлаштирилади. Тартибга солувчи мурват 7 кўрсаткич 9 билан егилган қирқим 8 ни жойлаштириш учун хизмат қиласди. Ўнг қўл билан қисқич очилади ва қирқим 10 нинг бир учи бўшатилади ва қисқичнинг юқори пластинкаси

пасткисини қисади. Бир вақтнинг ўзида чап қўл билан секундомер ишга туширилади. Қирқимни бўшатилган бир учи қайишқоқ куч таъсирида α бурчакка егилади. Юмолоқ шкала бўйича мослама 11 ёрдамида тикланиш бурчаги α 1° хатолик билан аниқланади.

Хар бир ипнинг йўналиши бўйича ғижимланмаслик ўлчами (фоизда) қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$F = \frac{\alpha_{yp}}{180} \cdot 100$$


бу ерда: α_{yp} -тикланиш бурчагининг ча арифметик қиймати, градус.

Стандарт услубига биноан танда ва арқоқ йўналиши бўйича бешта намуна қирқими олинади.

Бу ҳолда юқоридаги формула бошқа кўринишга ўтади.

$$F = \frac{\sum \alpha}{5 \cdot 100} \cdot 100 = 0,111 \cdot \sum \alpha_1$$

α -букланган материалнинг тикланиш бурчаги; α_1 - бурчакнинг тўлиқ 180° тикланиш бурчагига нисбати ғижимланмаслик деб аталади (фоизда).




Ғижимланмасликни аниқлаш асбоби.


1-асос; 2-муват; 3-тенглаштириш даражаси; 4-шкала; 5-устун; 6-қисқич; 7-муват; 8-егилган намуна; 9-кўрсаткич; 10-қирқим; 11-линза.

Газламаларнинг ғижимланмаслигини аниқлаш. Синаш учун бешта қирқим намунаси 40x15 мм ўлчамида олинади ва намунанинг юза қатламида қалам билан 2 мм четки қисмидан ва тескари юзасидан 24 мм четки қисмидан масофа ташлаб икки нуқта белгиси қўйилади (35- расм). Қисқич 1 нинг пастки пластинкаси намунани ушлаб туриш учун юпқа парафин қатлами қўйилади ва намунанинг учидан 2 мм масофадаги қисм қисқич ёрдамида белги қўйилган жойи егилиб, ҳалқа кўринишига келтирилади. Натижада ҳалқа 3 қисқич ёрдамида ушланади

(36-расм).




Газлама қирқимига белги қўйиш шакли.



№ 1 қисқичга намунани жойлаштириш шакли.

Кейин, 10x15 мм ўлчамли халқа иккинчи қисқич билан қисилади. Намуна егилишининг бурчаги 180^0 ни ташкил етади.



Юк бериш қурилмаси.

Қисқич намуна билан биргаликда кучлантиргич курилмасининг таянч юзаси 1 га (37-расм) қўйилади, шунда намуна халқаси юза ости 2 га жойлаштирилади. Юза 2 1,5 кг вазндаги юк 4 билан бўйлама устун 2 га маҳкамланган. Секундомерни қўшган холда дастак 5 юкни қисқичнинг юқори пластинкасига туширади. Халқа 15 мин мобайнида $1 \text{ кгк}/\text{см}^2$ босим остида қисилиб турилади. Ундан кейин, намуна қисқич билан олиниб, ғижимланувчанликни аниқлаш асбобининг йўналтирувчи тирқиши 1 га қисқичнинг таянч бўртифи 4 гача жойлаштирилади ва қисқич очилади, намунанинг учи қўйиб юборилади. Секундомерни кўшиб, иккинчи қисқич ҳам олиб ташланади. Намунани атроф-муҳит таъсиридан сақлаш учун органик ойна қопламаси 12 билан беркитилади. Қисқичлар таъсиридан бўшатилган намунанинг бир учи мувозанат ҳолатига келади, 5 минутдан кейин, тикланиш бурчаги ўлчанилади.

14-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ КИРИШИШИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Тикувчилик материалларининг киришишини ҳусусиятларини ўрганиш.

Топшириқлар:

1. Тикувчилик материалларининг киришишини аниқловчи асбобларнинг тузилиши ўрганилсин.
2. Олинган натижалар асосида хulosалар ёзилсин.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

Киришиш деб иссиқлик ва нам таъсирида газлама ўлчамларининг ўзгариши тушинилади.

Тўқимачилик газламалари қўшимча нам-иссиқлик ишлов берилганда киришиши кузатилади. Газламаларнинг киришиши натижасида ундан тикилган буюм кичрайиши мумкин.

Агар хўллаб кимёвий тозалаш, ювиш, дазмоллаш натижасида кийимнинг авраси астари турлича киришса, кийимда фижимлар, бурмалар пайдо бўлиши мумкин.

Иссиқлик ва нам таъсирида толалар қайишқоқлашади, шишади, калталашади, натижада газлама киришади, яъни иплар тизимининг таранглик даражаси тенглашади. Кучли тарангланган танда тизими букилади. Шунинг учун газлама танда йўналиши бўйича арқоқ йўналишига нисбатан кўпроқ киришади.

Баъзи газламалар ювилгандан кейин танда бўйича киришиб, енига кенгаяди, натижада тортишади. Агар танда анча таранг бўлса ва киришганда анча букилса, газлама шундай тортишади. Арқоқ тизимининг букилганлик даражаси бунда камайиб, арқоқ иплари тўғриланади ва енига бир оз кенгаяди.

Киришиш чизиқли Y_L , юзаси Y_S ва ҳажми Y_V бўйича фарқланади ва қўйидаги формула ёрдамида (фоиззда) хисобланади:

$$Y_L = \frac{L_1 - L_2}{L_1} \cdot 100$$

$$Y_S = \frac{S_1 - S_2}{S_1} \cdot 100$$

$$Y_V = \frac{V_1 - V_2}{V_1} \cdot 100$$

бу ерда: L_1, S_1, V_1 -газлама намунасининг бошлангич чизиқли ўлчами, юзаси ва ҳажми; L_2, S_2, V_2 -газлама намунасининг киришишидан кейинги чизиқли ўлчами, юзаси ва ҳажми.

Газламаларнинг киришиши стандартларда белгиланган услубларга мувофиқ аниқланади. Жун газламаларнинг киришишини аниқлаш учун ундан қирқиб олинган намуна хўллаб, бошқа газламалар еса ювиб кўрилади.

Газламаларнинг киришиши уларнинг толавий таркибига, тузилишига ва пардозлаш усулларига боғлиқ. Газламаларнинг киришишига толаларнинг шишиши таъсир қилгани учун синтетик толлалардан газламалар хўлланганда жуда кам киришади, чунки синтетик толалар деярли хўлланмайди ва толаларни деярли шишмайди.

Газламаларнинг киришувини камайтириш учун тўқимачилик саноатида; кенгайтириш, маҳсус кириштириш машиналарида ишлаш, маҳсус равища киришмайдиган, кам киришадиган пардоз бериш усуллари кўлланилади.


Синтетик газламалар хўлланмасдан, яъни фақат иссиқлик таъсирида киришади. Бундай киришиш иссиқликдан киришиш деб аталади.

Ювилгандан кейин газламаларнинг киришишини аниқлаш. Белгиланган стандартларга биноан пахта, зифир ва вискоза толаларидан олинган майший газламалар учун ювилгандан кейинги киришиши аниқланади.

Киришиш учун олинган намунанинг бутун ени бўйича узунлиги 300 мм бўлади. Намунадан маҳсус металли андаза бўйича 300x300 мм иккита квадрат ўлчамдаги намуна бичилади ва танда йўналиши белгиланади (41,а-расм). Кейин, $A_1; A_2; A_3; B_1; B_2; B_3; B_1; B_2; B_3$ андаза тешикчалари орқали қалам ёрдамида $a_1; a_2; a_3; b_1; b_2; b_3; v_1; v_2; v_3$ белгилар қўйилади (41,б-расм) ва андоза олиниб, ранг ёрдамида белгилар қорайтирилади.


Танда ва арқоқ йўналиши бўйича белгилар орасидаги масофа 1 мм аниқлиги

билин ўлчанилади, агар улар 200 м га тенг бўлмаса, унда бошланғич белгилаш ишлари тўғирланади.



41-расм Андоза шакли.

Олинган намуналар $t=20-25^{\circ}\text{C}$ ҳароратли 10 л сувда кир ювиш машинасига солинади ва ювиш вақтида $70-80^{\circ}\text{C}$ ли ҳароратдаги 0,5 л сувга 40 г хўжалик совуни ва 10 г калсийли сода солинади. Ювилган намуна резинали валиклар орасидан ўтказилиб, сиқилади ва кир ювиш машинасида $20-25^{\circ}\text{C}$ ли 10 л тоза сувда 2 минут давомида чайқалади ва яна сиқилади. Кейин, намуна текисланган ҳолатида $t=20$; $\varphi=65$ фоизли шароитда 10 минут сақланиб турилади (42-расм).



42-расм. Кир ювиш машинаси

Ушлаб турилган газлама намунасидаги $a_1\epsilon_1$; $a_2\epsilon_2$; $a_3\epsilon_3$ танда бўйича ва a_1a_3 ; $\delta_1\delta_2$; $\epsilon_1\epsilon_2$ -арқоқ бўйича белгилар орасидаги масофа 1 мм аниқлик билан ўлчанилади. Натижада, алоҳида танда ва арқоқ йўналиши бўйича олинган натижаларнинг ўртача қиймати топилади.

$$Y_T = 100 - 0,5L_T$$

$$Y_a = 100 - 0,5L_a$$

бу ерда: L_a, L_T -танда ва арқоқ йўналиши бўйича белгилар орасидаги масофанинг ўртача қиймати.

Хар бир намуна учун газламаларнинг киришиши фоизда, 0,01 фоизгача аниқлиги билан ҳисобланади ва 0,1 фоизгача яхлитланади.

$$Y_S = 100 - 0,0025 \cdot L_T \cdot L_a$$


$$Y_v = 100 - 0,0025 \cdot L_T \cdot L_a \cdot \frac{h_2}{h_1}$$

бу ерда: h_2 ва h_1 -газламаларнинг ювишдан олдин ва кейинги қалинлиги, мм.

Хўллашдан кейин газлама ўлчамларининг ўзгаришини аниқлаш. Тоза ва ярим жунли палтолик ва кастюмлик газламаларни хўллашдан кейин ўлчамларининг ўзгариши ГОСТ 512-82 «Хўллашдан кейин чизикли ўлчамларининг ўзгаришини аниқлаш услуби» стандарти бўйича аниқланади.

Синаш ишларини олиб бориш учун УТШ-1 (43-расм) асбобидан фойдаланилади. Асбоб ванна 1 дан ва қуритиш камераси 5 дан иборат. Ҳавони қиздириш учун калорифер 3, ҳавони айланиши учун еса шамоллатгич 2 хизмат қилади. Қуритиш асбобидаги ҳаво ҳароратини тартибга келтириш учун електрконтакли термометр 8 ишлатилади. Ундан ташқари, асбоб намунани оғирлигини аниқлаш учун тарози 6, палла 7 ва намунани жойлаштириш учун рама 4 дан ташкил топган.

Синаш ишлари учун намуна танлаш ГОСТ 20566-75 стандарти бўйича олиб борилади. Олинган намунанинг ўлчами 250x250 мм бўлади.



43-расм. УТШ-1 асбоби.

Синаш ишлари учун иккита намуна танланади. Хар бир намунани хўллашдан олдин танда ва арқоқ йўналиши бўйича белги қўйиб чиқилади ва намунанинг оғирлиги 0,2 г дан кўп бўлмаган хатолик билан аниқланади.

Тўғриланган намуна $0,5 \text{ г}/\text{дм}^3$ даги сувли ваннага солинади. Сув ҳарорати $18-25^\circ\text{C}$ бўлади. Намуна устидаги сув қатлами 20 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳар бир намуна ваннага 5 мин оралиғида солинади. 60 минутдан кейин намуна олиніб қуруқ сочиққа текис ҳолатида қўйилади ва устки қатлами шу сочиқ билан ёпилади. Кейин, қисилмаган ғилдиракдан танда йўналиши бўйича бир марта, арқоқ йўналиши бўйича ҳам бир марта ўтказилади. Намунани бошланғич вазнига келтириш учун $35\pm5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қуритиш камерасида қуритилади. Намуна кўшимча равища қуритиш учун хона шароитида тўғирланган ҳолатида панжара устига қўйилади. Намунани хўллашдан олдин ва кейинги вазнининг фарқланиши ± 2 г бўлиши керак. Намунадаги белгилар орасидаги масофанинг ўлчашдан олдин намуна ГОСТ 10681-75 стандартига асосан сунъий иқлим шароитида сақланиб турилади. Натижада, намунадаги белгилар орасидаги масофа ўлчанилади.

Газламаларни хўллаб-дазмоллаганда шакл олиш хусусияти. Дазмоллаш, буғ-ҳаво билан ишлов бериш натижасида газлама юқори ҳароратда, босим ва намлик таъсирида бўлади. Ҳўллаш-иссиқлик ишлов бериш тартиби деганда дазмолланидиган сиртнинг тегишли ҳарорати газламанинг намлаганлик даражаси, газламага дазмол босиш, ишлов бериш муддати тушунилади.

Газламаларга хўллаш-иссиқлик ишлов бериш тартиби унинг толавий таркибиға қараб танланади. Бундай ишлов муддатига газламанинг қалинлиги таъсир қиласи.

15-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТИКУВЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЕМИРИЛИШГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Тикувчилик материалларининг емирилишга чидамлилигини аниқлаш усули ва унда қўлланиладиган ускуналар билан танишиш.

Топшириқлар:

1. Қуйидаги ибораларнинг тариф ва қоидалари ёзилсин:

Йемирилиш: -емирилишига чидамлилик; -ишқаланиш; -ишқаланишга чидамлилик; -емирувчи омиллар; -газламаларнинг ишқаланишга бўлган чидамлилигини ифодаловчи омиллар.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Тайёрланган намуналардан ИТ-2 ускунасида текширув ишлари олиб борилади. Олинган натижалар қуйидаги жадвалга ёзилади.


№	Газламаларнинг номи	Ишқаланиш сони	Босим
1.			
2.			
3.			

2. Бир хил газламадан 5 дона намуна тайёрланиб ПИТ-2 ускунасида текширилади. Натижаси жадвалга ёзилади.

Газламанинг номи	Емирилиш фоизи	Ишқаланиш сони	Газламанинг мустаҳкамлиги, P_m -кгк
	100		
	75		
	50		
	25		
	0		

Юқорида келтирилган жадвалга асосан газламаларнинг ишқаланиш микдорига қараб мустаҳкамлнкнинг ўзгаришини кўрсатувчи егри чизик чизилади. ПИТ-2, ИТ-2 ускуналарининг схемаси чизилади.

P_m – мустаҳкамлиги



Ишқаланиш сони, н

3. Бажарилган иш юзасидан тегишли хulosалар ёзилсин.


Асосий маълумот

Тўқимачилик газламалари ташки кучлар таъсирида ўзининг хоссаларини сақлаб қолиши ва ишқаланишга қаршилик қўрсатишига емирилишга чидамлиги дейилади.

Тўқимачилик газламаларини асосий емирувчи омиллари қўйидагилар киради:


1. Физик-кимёвий-ёргулик, атроф-мухит, юувучи суюқликлар, кимёвий тозалаш, қиздириш ва бошқалар.
2. Механик-ишқаланиш, егилиш, сиқилиш ва бошқалар.
3. Биологик-микроорганизмларнинг таъсирида.
4. Аralаш-ювиш, ишқалаш ва бошқалар.

Тўқимачилик газламаларининг емирилишга чидамлигини аниқлаш учун ПИТ-2, ИТ-3 асбоблари ишлатилади.



19-rasm. PIT-2 asbobi.

ПИТ-2 асбоби ёрдамида газламанинг емирилишга чидамлигини аниқлаш. Бу асбоб газламани текислик бўйича битта йўналишда, яъни илгариланма- қайтма ҳаракатланишда ишқалайди (19-расм).




20-rasm. Gazlama namunasining
bichim ko’rinishi.

Чархтош 1 нинг илгариланма-қайта ҳаракатланишини амалга ошириш учун, тирсакли механизм 2 електроригтичдан узатма олади ва ғилдирак 3, тортиш кучи 4 ишга тушади. Юк 6 ли дастак 5 намунадаги чархтошнинг босимини таъминлайди. Намуна столчага жойлаштирилади ва қисқич 8 ёрдамида

маҳкамланади. Тортиш кучи 9 орқали юк 10 ёрдамида намуна ишқаланиш учун таранглашади. Тик чизиқли ишқаланиш йўналишида намуна юк қурилмаси ёрдамида тортилади. Юк қурилмаси ўқ 12 даги юкли маятник ва шкала 13 дан иборат бўлиб, дастак 14 ёрдамида белгиланган куч қийматига келтирилади. Асбобда емирилиш даврини кўрсатадиган ҳисоб қурилмаси мавжуддир. Агар газлама емирилиш даврини йиртилса ёки тешилса асбоб автоматик равища тўхтайди. Синаш учун олинадиган намуна маҳсус андаза ёрдамида крестли кўринишда қирқилади (20-расм). Намунанинг қисқа жойи қисқич 8 га маҳкамланади. Ҳар бирининг вазни 1 кг дан бўлган юк 10 осилади, дастак 14 соат йўналиши бўйича буралиб, шкала 13 бўйича 19,6 Н (2 кгк) куч белгиланади. Кейин, дастак 5 қўйиб юборилади ва асбоб ишга туширилади. Агар газлама намунасида тешик ҳосил бўлса, асбоб автоматик равища тўхтайди ва ҳисоб кўрсаткичидан емирилишлар даври ёзиб олинади. Кейин, намуна олиниб, мустаҳкамлиги узиш машинасида аниқланади. Лаборатория шароитида газламаларни ишқалантириш учун учта намуна танлаб олинади ва олинган учта кўрсаткич бўйича ўртача арифметик қиймати ҳисобланади.

ИТ-3 асбоби ёрдамида газламанинг емирилишга чмдамлигини аниқлаш.



21-rasm. IT-3 asbobining ishchi bosh qismi.

16-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ПАХТА ТОЛАЛИ ГАЗЛАМАЛАР АССОРТИМЕНТИНИ ЎРГАНИШ

Ишнинг мақсади:

Пахта толали газламалар ассортименти билан танишиш.

Топшириқлар:

1. Қуйидаги ибораларнинг тариф ва қоидалари ёзилсин:
 - чит;
 - сурп;
 - миткал;
 - муслин ва ҳоказо.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

Кенг тарқалган ип газламаларнинг тавсифлари. Тўқувчилик саноатида ишлаб чиқарилаётган газлама турлари ичida ип газламалари алоҳида ўринда турди ва уларнинг асосий қисмини классик пахта толасидан ишлаб чиқарилган турлари ташкил қиласди. Бироқ улар билан бирга пахта толаси вискоза, лавсан, нитрон толалари билан аралашмасидан олинувчи газламалар ҳам кенг тарқалган. Ҳар йили ишлаб чиқариладиган пахта толали газламаларнинг (ип газламалар) 10-12 фоизи янги тузилишдаги ва пардозланишдаги газламалар ҳисобига ўзгаради. Ип газламалари карда йигириш, қайта тараш ёки аппарат усулида олинган турли тузилишдаги (якка, пишитилган, шаклдор, аралаш толали таркибида ва ҳоказо) ва чизиқий зичлиги 5,88 дан то 263,2 тексгача бўлган иплардан ишлаб чиқарилади. Ип газламалари турли рангдаги, шаклдаги ва ўлчамдаги гул босилган, сидирға рангли, оқартирилган, чипор ва оқартирилмаган хом ҳолда ишлаб чиқарилади. Шу жумладан махсус пардозлашлар ҳам қўлланилади.

Кенг тарқалган ип газламаларнинг тавсифлари. Амалий преискурантда 1300 дан ортиқ артикулдаги турмушда ва техникада ишлатилувчи ип газламалари киритилган бўлиб, улар 17 гурухга ажратилган. Булардан энг кенг ишлатиладиган ип газламалари 1-6 гурухларни ташкил қиласди.

Биринчи гурух - чит газламалар. Чит - классик ип газламаларидан бири.

Уни ишлаб чиқариш ҳажми бўйича аёллар ва эркаклар кўйлагибоп газламалардан кейин иккинчи ўринда туради. Чит полотно ўрилишда танда ва арқоқ йўналиши чизиқий зичлиги 15,4-20 текс бўлган карда йигириш усулида олинган иплардан ишлаб чиқарилади. Читларнинг эни 62-100 см, юза зичлиги- $92-110 \text{ г}/\text{м}^2$ бўлади. Чит газламалари пардозланишига кўра гул босилган, сидирға рангли бўлади. Кўлланилиши турлича. Шу жумладан аёллар ва болалар киядиган кийимлар, эркаклар кўйлаги, ички кийимлар ва чойшаблар.

Чойшаббоп сурплар. Оддий сурплардан ўзининг пардози билан фарқланиб, у оқартирилган ҳолда ишлаб чиқарилади ва чойшаблар, тиббиёт ходимлари ва озиқ-овқат савдоси билан шуғулланувчиларнинг махсус кийимлари учун ишлатилади.

Миткал гурухчаси. Миткал гурухчасига киравчи чойшаббоп газламалар хом ҳолда (оқартирилмаган) миткал деб аталади. Миткал тузилиши читникига ўхшайди. Миткал асосида майин пардозланган ҳолда (аппрет миқдори 1,5 фоиздан кам) **муслин** номли, аппрет миқдори 1,5-2,5 фоиз бўлса, миткал номли, аппрет миқдори 2,5-3 фоиздан ошса **мадаполам** номли газламалар олинади. Бу гурухчага киравчи газламалар чойшаббоп сурпдан юпқа, юза зичлиги $45-110 \text{ г}/\text{м}^2$, эни 75-150 см гача булади. Танда ва арқоқ ипларининг йўғонлиги 11,8-20,0 текс. Учала газламалар полотно ўрилишида тўқилади. Оқартирилган ёки очиқ рангга сидирға қилиб пардозланади. Муслин газламасидан тунги кўйлаклар учун, миткал ва мадаполамдан чойшаблар ишлаб чиқарилади. Бу газламаларда қайта тараш усулида йигирилган иплар ишлатилади. Шу сабабли бу газламалар юпқа ва майин. **Махсус гурухча.** Махсус гурухчасига “гринсбон” ва “тик-ластик” номли оқартирилган газламалар киради. Гринсбоннинг ўрилиши тескари саржа. Тик-ластик атлас ўрилишида ишлаб чиқарилади. Бу газламаларнинг танда ва арқоқ ипларида чизиқий зичлиги 25-36 тексли карда йигириш усулида олинган иплар ишлатилади. Бу газламалар мудофаа ходимларининг ички кийимлари учун ишлатилади.

Тўртинчи гурухга сатин ўрилишидаги сатин газламалари киради. Бу гурух газламаларнинг тузилишида ишлатилган ипларнинг турига кўра иккита гурухчага

бўлинади: карда йигириш усулида ва қайта тараш усулида олинган иплардан ишлаб чиқарилган сатинлар. Биринчи гурухчадаги сатинларни чизиқий зичлиги 15,4-18,5 тексга тэнг бўлган карда ипларидан ишлаб чиқарилади. Юза зичликлари 124-150 г/м². Иккинчи гурухчадаги сатинлар танда йўналишида 10-15,4 текс, арқоқ йўналишида 8,5-11,8 текс бўлган қайта тараш усулида олинган иплардан иборат. Юза зичлиги 114-130 г/м². Сатин газламаларида арқоқ йўналишидаги зичлиги ва тўлдирилиши танда йўналишидагига нисбатан салкам икки баробар кўп бўлади. Шунинг учун уларнинг сирти силлик, ўнг томонидан қўриниши ялтироқ бўлади. Худди шундай ип газламаларнинг атлас ўрилишдагиси “ластик” деб аталади. Сатин ва ластик газламаларининг эни 60-100 см. Улар сидирға рангли, гул босилган ва камдан-кам ҳолларда оқартирилган бўлиши мумкин. Сатин ва ластиклар аёллар халатлари ва кўйлаклари, кўрпа ва юстиқ жилдлари, сидирға ранглари эса астарлик ва маҳсус кийимлар учун ишлатилади.

Кўйлакбоп газламалар ассортименти . Бешинчи гуруҳ. Кўйлакбоп газламалар. Ип газламаларининг ассортиментида бу гуруҳ асосий, энг катта ва кўп хилдаги газламалардан ташкил топган. У тўрт гурухчага бўлинади: а) кузги; б) мавсумий; в) қишки; г) сунъий ипакни қўшиб ишлаб чиқарилган. Кузги ва мавсумий кўйлакбоп газламалар ассортиментида ҳамиша янги турлари ишлаб чиқарилади.

Кўйлакбоп газламаларнинг кўпи карда йигиришда олинган якка ва пишитилган иплардан ишлаб чиқарилади. Энг сифатли газламаларда эса йўналишларининг бирида ёки иккаласида қайта тараш усулида олинган иплар ишлатилади. Баъзи газламаларда шаклдор иплар ҳам ишлатилади. Газламаларнинг ташки қўринишини ва хусусиятларини яхшилаш учун пахта ипига кимёвий тола ёки иплари қўшилади, майда гулли ўрилишлар ишлатилади, пардозлашда маҳсус ишловлар берилади.

Кузги гурухчадаги газламалар жумласига юпқа, енгил, ҳаво ўтказувчанилиги юқори бўлган газламалар киради: батист, маркизет, майя, вольта, вуаль, кисея каби газламалар.

Батист - жуда майин, юпқа, ишқорий ишлов берилган, полотно ўрилишдаги

газламадир. У оқартирилган, очиқ рангга сидирға бўялган, таги оқ рангда майда гулли қилиб пардозланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Унинг юза зичлиги $68-75$ $\text{г}/\text{м}^2$, эни 80 см, ишлаб чиқариш учун қўлланилган ипининг йўғонлиги қайта тараш усулида олинган 10 тексли ип танда иплари бўйича, 8,5 тексли ип арқоқ иплари бўйичадир

Мавсумий кўйлакбоп газламалар карда ва қайта тараш усули билан олинган иплардан ишлаб чиқарилади. Бу гурухчага кирувчи газламалар кузги гурухчадагиларга нисбатан бир оз қалин, зич ва оғирроқдир (юза зичликлари 220 $\text{г}/\text{м}^2$ гача бўлади). Мавсумий кўйлакларга мос келадиган газлама турлари қўйидагилар: шотландка, шерстянка, кашемир, поплин, тафта ва ҳоказолар.

Сунъий ипакни қўшиб ишлаб чиқарилган ип газламалар ассортименти. Сунъий ипакни қўшиб ишлаб чиқарилган ип газламаларнинг тандасида пахта толасидан олинган ип, арқоғида эса вискоза ёки ацетат ялтироқ комплекс иплари ишлатилади. Бу газламалар йирик ва майда гулли ўрилишда ишлаб чиқарилади. Шу сабабли бу газламаларнинг сиртида ажойиб товланувчи нақш ҳосил бўлади. Пардозланиши - сидирға рангли, оқартирилган ёки гул босилган ҳолда бўлади. Энлари - 62-95 см. Юза зичлиги - $95-110$ $\text{г}/\text{м}^2$. Бу гурухчага “кўйлакбоп”деб аталган газламалар киради.

Кишки гурухчага мовут, замша, вельветон газламалари киради. Бу газламаларни классик газламалар жумласига киритиш мумкин. Уларнинг сиртида зич жойлашган таралган туки бўлади. Ўрилиши - кучайтирилган сатин. Мовутнинг пардозланиши - тўқ рангларга бўялган ҳолда бўлади. Вельветоннинг юза зичлиги - $370-400$ $\text{г}/\text{м}^2$. Тандасида пишитилган ип ($29,4$ тексх 2 - $15,4$ тексх 2), арқоғида эса якка ($50-58,8$ текс) иплар ишлатилади, Замша газламаси мовут ва вельветондан тукининг тури билан фарқланади. Унинг туки қисқа ва қаттиқ прессланган ҳолда бўлади. Юза зичлиги - $405-415$ $\text{г}/\text{м}^2$. Бу газламалар болалар спорт кийимларини тикиш учун ишлатилади.

17-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ТРИКОТАЖ МАТОЛАРИ АССОРТИМЕНТИ БИЛАН ТАНИШИШ

Ишнинг мақсади:

Трикотаж матоларининг ассортименти билан танишиш.

Топшириқлар:

1. Трикотаж матоларининг ассортимент гурухлари билан танишинг.

2. Устки ва ички трикотаж матолари ҳақида маълумот олиб, ҳулоса чиқаринг.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

Саноатда ишлаб чиқарилаётган трикотаж матолари иккита гурухга бўлинади-ички кийимлар учун ва устки кийимлар учун. Биринчи гурухга киравчи матолар эркаклар ва болалар кўйлаклари, ички иштонлари, ички кўйлаклари, иссиқ кўйлаклари, аёллар ички кийимлари, спорт костюмлари ва ҳоказоларни тикиш учун ишлатилади. Иккинчи гуруҳдагилари эса жикет, кўйлаклар, костюмлар, палтолар, курткалар ва ҳоказо буюмларни тайёрлашда ишлатилади.

Трикотаж матоларининг афзаллиги уларнинг майинлиги, ишқаланишга чидамлилиги ва юқори қайишқоқлигидадир. Трикотаж матолардан тикилган кийимни кийиб юриш ўнгай, одам баданини сиқмайди. Уларнинг бурмабоплиги, фижимланмаслиги, иссиқни сақлаш қобилияти ва гигиеник хусусиятлари жуда яхши. Шунинг билан бирга трикотаж матоларининг чўзилувчанлиги ва четлари буралгани сабабли уларни бичиш ва тикиш жараёнлари қийинлашади. Ундан ташқари, трикотажнинг ҳалқалари тикиш машиналарининг игналари билан шикастланиб бир-биридан чиқиши мумкин. Трикотаж матолари ювилганда ва ҳатто кимёвий тозалашда ҳам бўйламасига киришади, энига эса кенгаяди. Шутуфайли трикотаждан тикилган буюмлар ўз шаклини тез йўқотади.

Ички кийимларни тикиш учун бўйламасига ва кўндалангига тўқилган матолар ишлатилади. Майка, иштонлар, спорт кийимлари учун бу матолар пахта толали ипдан глад ўрилишида ишлаб чиқарилади. Юқори сифатли спорт буюмлари учун катта қайишқоқликка эга бўлган ластик ўрилишидаги матолар қўлланилади. Бу буюмлар лавсан толали ҳажмдор иплардан тайёрланади. Иссиқ

сақловчи ички кийимлар учун пахта толали иплар, нитрон ва вискоза аралашмасидан олинган иплардан түқилган, сиртига тук чиқарилган матолар ишлатилади. Аёллар ички кийимларини тикиш учун кимёвий комплекс иплардан трико-сукно, трико-шарме, тўрсимон трико-сукно ўрилишдаги түқилган трикотаж матолари қўлланилади. Бу матолардан тикилган буюмлар шаклларини анча яхши сақлайди. Болалар ички кийимларини тайёрлаш учун пахта толали иплардан тукли ўрилишдаги матолардан фойдаланилади.

Ички кийимларни тикиш учун мўлжалланган трикотаж матолари оқартирилган, сидирға рангли, гул босилган ҳолда пардозланади.

Устки кийимларни тикиш учун ҳам кўндалангига ва бўйламасига түқилган трикотаж матолари ишлатилади. Аёллар кўйлак, костюм, блузкаларини тикиш учун момиқдай майнин жунсимон жаккард ўрилишдаги чипор түқилган матолар, сиртида чиқарилган тук бўлган ва тукли ўрилишдаги баҳмалсимон матолар, ҳажмдор капрон ипидан олинган шойисимон матолар, тўрсимон матолар ва ҳоказолар қўлланилади. Нисбатан оғир матолардан қишки кийимларни - жакет, костюмлар, спорт кийимларини тайёрлашда фойдаланилади. Бу матоларнинг ўрилишлари турлича бўлиши мумкин - жаккард, трико-трико, атлас-трико-сукно, тўрсимон ва бошқалар. Бу буюмлар учун матолар ҳажмдор иплардан түқилади. Баъзиларига зарсимон иплар қўшилади. Кўйлак ва костюмлар бир қаватли ва икки қаватли матолардан тайёрланади. Пальто ва курткаларга мўлжалланган соф ва яrim жун матолар поролон билан бириктирилади.

18- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ НОТҮҚИМА МАТОЛАРИ АССОРТИМЕНТИ БИЛАН ТАНИШИШ

Кийимларга қўлланиувчи нотўқима матолар худди газлама ёки трикотаж матоларнинг сирти сингари бўлишлиги зарур, чунки нотўқима матолар газлама ва трикотаж матоларнинг ўрнини босувчи мато ҳисобланади. Масалан, аёлларнинг кўйлаги, кофтаси, еркакларнинг кўйлаги учун ишлатилувчи нотўқима матолар юпқа ва енгил; костюм, куртка ва палтоларга қўллани-ладиганлари еса нисбатан оғир, зич, бикр ва калин, жун матоларга ўхшаш юмшоқ бўлади.

Нотўқима матолар чидухоба, духоба, баҳмал кўрини-шида, турли хилдаги рангли ва нақшли ҳамда чипор кўринишларда ишлаб чиқарилади. Нотўқима матоларнинг кийимларга ишлатиладиган турининг катта микдорини тўқиши-тиши усулида ишлаб чиқариладиган нотўқима матолар ташкил қиласди. Бу турдаги нотўқима матодан болалар кийими, аёлларнинг кўйлаги ва халати, сузишда ишлатиладиган костюмлар, еркаклар кўйлаги, палто ҳамда спорт костюмлари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Толалар ўрамасини қавиш усулида олинувчи нотўқима матолар, ўзининг толали таркибига кўра икки хил бўлиб, улардан биринчиси бир хил турдаги толалардир. Бир хил толалардан ишлаб чиқариладиган нотўқима матолар асосан таркиби фақат пахтадан, вискозадан ёки жун каби шунга ўхшаш толаларнинг ўзидангина ишлаб чиқарилади. Агар таркиби икки ёки ундан ортиқ бўлган турдаги толалардан олинган ўрамидан ишлаб чиқарилган нотўқима матоларга айтилади. Бу ҳолда толалар аралашмаси пахта-вискоза-капрон; нитрон-вискоза-жун; жун-вискоза-капрон; жун-лавсан-капрон ва ҳоказо тариқасида бўлиши мумкин.

Тўқувчиликда кенг тарқалган тўқиши-тиши усулида олинган нотўқима матолар қўйидагилардир.

1.“Херсон” ва “Бориславка” байкалари пахта толасидан кўндалангига тўқилган сирти тукли трикотаж матосини еслатади. Бу матолар болалар ички кийимларини тикиш учун фланел ва бумазея газламалари ўрнига ишлатилади. “Херсон” байкаси соф пахта ёки пахта ва вискоза толалари (75 фоиз + 25 фоиз)

аралашмасидан, “Бориславка” еса пахта ва вискоза толаларининг 50 фоиз+50 фоиз) ҳажмидаги аралашмасидан ишлаб чиқарилади. Бу матолар сидирға рангли ёки оқартирилган ҳолда пардозланади ва сиртининг бир томонида чиқарилган туки бўлади. Тикиш ўрилиши - трико.

2.“Василюк” матоси “Херсон” га ўхшаб 75 фоиз пахта толаси ва 25 фоиз вискоза толаси аралашмасидан олинади. Пардозланиши - сидирға рангли ва сирти тукли бўлади. Ўрилиши - сукно-занжир бўлганлиги туфайли бу матонинг чўзилувчанилиги паст.

3.Жун ва вискоза толалари аралашмасидан олинган “Полотно” ва “Арахнянка” номли матолар жун толали мовут газламасига ўхшайди ва ёшлар палтоларини тикишда қўлланилади.

4.Вискоза толали ўрамни капрон иплари билан трико ўрилишда тикиб олинган “Маришка” матоси еркаклар кўйлаги, аёллар кўйлак ва халатларини тикишда ишлатилиди. Бу мато сидирға рангли, оқартирилган ёки гул босилган бўлади. Сиртида ўрилиш баҳияларидан бўйламасига чандиқсимон нақшлари мавжуд.

Пардозланишига кўра оқартирилган, сидирға рангли, гул босилган, ҳамда устки қисми пахмок ҳолда ишлаб чиқарилади. Тукли нотўқима матолар турига киравчи «Малипол» асосан палто ва шунга ўхшаш устки кийимлар учун ишлатилиди. Малипол нотўқима матоси худди сунъий мўйнага ўхшаганлиги учун ундан палто ва курткалар ишлаб чиқариш мумкин.

Толалар ўрамасининг кавиш усули бир неча қават толалар ўрамасини устмагуст қўйиб 25×2 ёки $18,5 \times 2$ йўғонликдаги иплар билан трико ўрилиш асосида қавиш йўли билан ишлаб чиқарилади. Толали таркибига кура ватинлар соф пахта ва жун аралашганларга бўлинади. Соф пахтали ватиннинг сирт зичлиги $250-325$ г/м², ени 150 см, қавигининг зичлиги бўйламасига 12-14, енига 5-6 халкалардан иборат. Бу сонлар одатдагидек 5 см масофа учун юритилади. Соф толадан ишлаб чиқарилувчи ватинларга паст навли пахта толаси, тўкимачилик саноати ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган толали чиқиндилар қўлланилади.

Ярим жунли ватинга эса кайта тикланган жун толаси, жун толасини қайта ишловчи корхоналарнинг толали чиқиндилари, пахта ва вискоза толалари ишлатилади. Бундай мато таркибида жун 35-53 фоизни ташкил қиласи. Нотукима матолар ишлаб чиқариш саноатида толалар ўрамасини қавиш усулида олинувчи ватин ҳам яратилган. Бунинг учун пахта, вискоза ва капрон толаларидан ўрама тайёрланиб, унга елимловчи еритма сингдирилади. Бундай усулда олинган ватин ўзининг тузулишини яхшилиги туфайли ва толалар ўрамасини қавиб олинган ватинга яисбатан яхши сақлаш қобилиятига эга. Елимлаш усули билан олинган нотўқима матолар тикувчилик саноатида палто, костюм, плашларнинг ички қисмига қат сифатида кенг қўлланилади. Бундай нотўқима матоларнинг аҳамиятли томони, унинг эгилувчанлигининг юқорилиги, вазнининг енгиллиги, ўртача ўтказувчанликка эгалиги, кам киришувчанлиги, кесилган жойидан сиртил-маслиги ва ҳоказолардир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Аббасова Н.Г. ва бошқалар. «Енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги». I-қисм. Дарслик – Т.: Алоқачи, 2005. -283 бет.
- 2.Матмусаев У.М. ва бошқалар. «Тўқимачилик материалшунослиги» I-қисм. «Ўзбекистон», 2005й.
- 3.Очилов Т.А. ва бошқалар. Тўқимачилик материалларини синаш. «Ўзбекистон», Т., 2004.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Б.А.Бузов, Н.Д. Алыменкова. Материаловедение в производстве изделий легкой промышленности (швейное производство). Учебник - М.: АСАДЕМА, 2010. - 448 стр.
- 2.Б.А.Бузов, Н.Д. Алыменкова. Практикум по материаловедению швейного производства. Учебное пособие - М.: АСАДЕМА-2004. – 416 стр. 3.Очилов Т.А., Аббасова Н.Г., Абдуллина Ф.Д. 5510600 «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси», 5140900 «Касб таълими (Енгил саноат маҳсулотлари технологияси)» таълим йўналиши бакалаврлари учун «Енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги» фанидан маъruzалар матни. Т.: ТТЕСИ, 2004. 103 бет.
- 4.Очилов Т.А., Кулметов М.Қ., Абдуллина Ф.Д. 5510600 «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси», 5140900 «Касб таълими (Енгил саноат маҳсулотлари технологияси)» таълим йўналиши бакалаврлари учун «Енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги» фанидан маъruzалар матни. Т.: ТТЕСИ, 1999. - 121 бет.